БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 171 (2204). | 28 август, сешанба, 1962 йил. | Баҳоси 2 тийин.

МАТБУОТ ТАНҚИДИНИ ЛЕНИНЧА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙЛИК

Совет матбуоти — коммунизм қурилиши учун курашда Коммунистик партиянинг қудратли қуроли, жамоатчилик фикрининг забардаст жарчисидир. Оммани газета ва журналларда бевосита иштирок этиши совет матбуотини миллионларнинг минбарига, коммунистик қурилиш бутун фронтқ ни ёритиб турган кучли прожекторга айлантирмоқда.

Партия XXII съезди қабул қилган КПСС Программасида меҳнаткашлар оммаси ижодий фаолиятининг коммунизм қурилишидаги ҳал қилувчи роли таъкидлаб ўтилган. Совет кишиларининг ташаббускорлиги ва активлигини янада авж олдиришда бизнинг чинакам халқ матбуотимиз муҳим ўрин тутади. матбуотимиз оммани нинг снёсий ташаббускорлиги, совет социалистик демократияси ўз ифодасини топган воситаларидан биридир. Меҳнаткашларнинг коллектив ақл-заковати, коллектив тажрибаси, коммунизм қурилишининг буюк программасини амалга оширишдан уларнинг астойдил манфаатдорлиги газеталарнинг чиқишларида ўз акснни топмоқда. Ишчи ва кишлок мухбирларининг мақолалари, корреспонденциялари хабарларида, меҳнаткашларнинг хатларида муҳим масалалар кўтарилмоқда, халқ хўжалигининг резервларини очиб берувчи қимматли таклифлар айтилмоқда, ишлаб чиқаришдаги илғор тажриба пропаганда қилинмоқда, илгарилаб бориш имизга халакит бераётган камчиликлар очиб ташланмоқда.

Матбуотдаги танқидий чиқишларни Ленин сингари диққат-эътибор ва принципиаллик билан қўллаб-қувватлаш, очиб ташланган камчиликларнинг оператив суратда тугатилишига эришиш — барча партия ва совет ташкилотларининг бевосита бурчидир.

Афсуски, матбуотнинг овозига эътиборсизлик билан қараш фактлари ҳали ҳам учраб туради. Мана, шундай мисоллардан бири. Қизилўрда область «Ленинский путь» газетаси «Кизилордастрой» трестининг фаолиятидаги жиддий камчиликлар ҳақида уч марта мақола босиб, баъзи бир қурилиш ташкилотлари раҳбарларининг исроф гарлик ва кўзбўямачилик билан шуғулланаётганликларини танқид килди. Трест раҳбарлари ва партия комитети бу материалларни муҳокама килмадилар, шулар юзасидан чоралар кўрмадилар. Бунинг устига трест раҳбарларининг бевосита йўл қўйиб бериши натижасида бинокорлик материаллари комбинатининг бошлиғи Ўрток Исаев танкидни бўғиш йўлига ўтиб олди, ишчи мухбирни таъқиб қила бошлади. Бундай фактлар совет жамиятида мутлақо тоқат қилиб бўлмайдиган шармандали бир ҳолдир.

Партия ташкилотлари кейинги вактларда газета материалларининг таъсирчан бўлиши ҳақида ғамхўрликни анча кучайтирдилар. КПСС Ленинград шаҳар комитети, Козогистон КП Марказий Комитети, Эстония КП Марказий Комитети ва бошка бир қанча партия комитетлари муассаса ва ташкилотлар матбуотда босилаётган материалларга қандай муносабатда бўлаётганлиги ҳакида кенгайтирилган қарорлар қабул килдилар. Шаҳар матбуот ва кўп тиражли матбуотнинг танқидий чиқишларига нотўғри муносабатда бўлиш фактлари тўғрисида КПСС Москва шахар комитети қарорининг баёни кеча «Правда»да эълон қилинди. КПСС Москва шаҳар комитети бюросининг ана шу масалани муҳокама килган маҳлисига пойтахтдаги район партия комитетларининг биринчи секретарлари ва район Советлари ижроия комитетларининг раислари, Москва Совети, халқ хўжалиги кенгаши, муассаса ва корхоналарнинг раҳбар ходимлари таклиф килинган эди.

Москва шаҳар партия комитети хўжалик ва сиёсий вазифаларни ҳал килишда, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда матбуотнинг ташкилотчилик роли ғоят ошиб бораётганлигини таъкидлаб шаҳар газеталари ва кўп тиражли газеталарнинг кўпгина танкидий материаллари, ишчи мухбирларнинг чора кўриш учун редакциялар томонидан турли ташкилотларга юборилаётган сигналлари кўллаб-кувватланмаётганлигига эътиборни қаратиб ўтди. Айрим хўжалик ва партия раҳбарлари матбуот сигналлари ва меҳнаткашларнинг хатларига менсимасдан, бюрократларча расмиятчилик билан караб келмоқдалар, газеталарнинг танкидий чиқишларини эътиборсиз колдирмоқдалар, очиб ташланган камчиликларни тугатиш учун конкрет ва таъсирчан чоралар кўрмаётирлар.

Москва шаҳар партия комитети матбуотга ана шундай муносабатда бўлиш ҳолларини кескин қоралаб, бундай ҳолларнинг олдини олиш юзасидан амалий тадбирлар белгилади. Шаҳар комитетининг бўлимларига, шаҳар газеталари ва куйи матбуотнинг танқидий чиқишлари таъсирчан бўлиши устидан контролни кучайтириш, айрим хўжалик раҳбарлари, партия ва совет ходимларининг матбуотнинг танқидий материалларига бюрократларча расмиятчилик билан қарашларига доир фактларни шаҳар партия комитети бюроси ва секретариатининг муҳокамасига кўйиш вазифаси топширилди. КПСС район комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларига матбуотга раҳбарликни яхшилаш, шаҳар газеталари, кўп тиражли, деворий газеталарнинг танкидий чиқишларини кўллаб-кувватлаш, ишчи мухбирларсиз колдираётган ва очиб ташланган камчиликларни тугатиш чораларини кўрмаётган кишиларни каттиқ жавобгарликка тортиш таклиф килинди. Пойтахтдаги партия ва совет органлари ташкилот ва бошкарма раҳбарларининг ишчи мухбирларнинг материаллари юзасидан кандай чоралар кўраётганликлари ҳакидаги ахборотларини мунтазам муҳокама килиб турадилар.

КПСС Москва ва Ленинград шаҳар комитетларининг, шунингдек баъзи бир бошка партия комитетларининг карорлари — матбуотга принципиал, партиявий муносабатда бўлиш намунаси, танқид ва ўз ўзини танкидни янада ривожлантириш ҳакидаги ғамхўрликнинг жонли намунасидир. Партия ташкилотлари худди мана шундай йўл тутмоқлари — танқидни эътиборсиз колдириш ва бўғишга, матбуотнинг жамоатчи активларини таъқиб қилишга уринаётган кишиларни қаттиқ жавобгарликка тортишлари керак, чунки танқидни менсимаслик — ишни яхшилашга халақит бериш, халқ хўжалиги резервларидан фойдаланишга тўсқинлик қилиш демакдир!

Матбуот материалларининг таъсирчанлигини ошириш учун курашнинг муваффакияти, даставвал партия ташкилотларига боғлиқдир. Главмосстрой, шаҳар халқ хўжалиги кенгаши, шаҳар план комиссиясининг, Лихачев номли, «Фрезер» ва бошқа заводларнинг партия ташкилотлари, шунингдек Дзержинский, Жданов, Пролетар ва Красная Пресня район партия комитетлари матбуот сигналларига расмиятчилик билан қараш ҳамда танқидни эътиборсиз қолдириш фактларига ўз вақтида ва принципиал баҳо бермадилар, деб КПСС Москва шаҳар комитети алоҳида кўрсатиб ўтди. Матбуотнинг роли ва аҳамиятини камситаётган, газеталарнинг сигналлари ва газеткорларнинг хатлари асосида конкрет ва таъсирли чоралар кўрмаётган ҳамда бу билан танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтиришга ёрдам бермаётган коммунистларнинг партия аъзосига хос бўлмаган ҳатти-ҳаракатини муҳокама қилиш партия комитетларига таклиф этилди.

Матбуотнинг чиқишларини менсимаслик партия турмушининг ленинча нормаларини ва ленинча раҳбарлик принципларини бузиш соҳасида Сталин шахсига сиғиниш даврида ғоят авж олган ҳолдан биридир. Давлат ва хўжалик аппаратининг айрим звеноларидаги консерватив, бюрократик унсурларнинг янги, прогрессив нарсаларга кўрсатаётган қаршилиги, оммани нг ўсиб бораётган ташаббускорлиги ва активлигига халақит беришга урининг ана шу ишда ўз ифодасини топмоқда.

«Хўжаликни юритишга бепарво қаровчиларни ва «шухратни» ҳимоя қилиш ниқоби остида, аслида давлатнинг, социалистик жамиятимизнинг манфаатларига зарар етказадиган кишиларни ҳимоя қилувчиларни, — дейди Ўрток Н. С. Хрушчев, — **шафқатсиз танқид қилиш керак. Танқидни бўғувчиларга қарши қатъий кураш очиш зарур».**

Партия ташкилотларининг вазифаси — шундай тартиб бўлишини таъминлаб беришдан иборатки, бунинг натижасида матбуотнинг ҳар бир чиқишига пайсалга солмасдан, ўз вақтида ҳаққоний амалий жавоб берилсин. ишчи ва кишлок мухбирларининг ҳар бир сигнали асосида чоралар кўриб борилсин.

Матбуот сўзининг таъсирчанлигини кучайтириш учун кураш совет кишиларининг ижодий активлиги ва ташаббускорлигини янада авж олдиришга, давлатни, ишлаб чиқаришни, хўжалик ва маданий қурилишни, социалистик жамиятнинг хамма ишларини бошқаришга халқ оммасини тағин ҳам кенг жалб этишга ёрдам беради.

(«ПРАВДА»нинг 26 августдаги бош мақоласи).

Сунгги ахборот

ЮРИЙ ГАГАРИН—ЖАҲОН СТУДЕНТЛАРИНИНГ МЕҲМОНИ

ЛЕНИНГРАД, 25 август. (ТАСС). Бугун Халқаро студентлар союзининг VII конгрессида «Космос куни» бўлди. 1-космонавт Юрий Гагарин 90 мамлакат студентларининг вакиллари ҳузурига меҳмон бўлиб келди.

Конгрессининг фавқулодда ялпи мажлисини Халқаро студентлар союзининг президенти Иржи Пеликан очди. У, конгресс қатнашчиларига Юрий Гагаринни космос пионери сифатидагина эмас, балки Халқаро студентлар союзининг аъзоси бўлган студент сифатида ҳам таништирди.

Юрий Гагарин конгрессни самимий табриклаб нутқ сўзлади.

ҲАР ГЕКТАР ЕРДАН 445 ЦЕНТНЕР ПОМИДОР

Самарқанд районидаги «Москва» колхозининг Омонқул Турсунов бошлиқ комплекс бригадаси помидордан мисли кўрилмаган мўл ҳосил етиштирди. Дастлабки марта ҳар квадрат метр ердан 4,4 килограмм помидор узиб олинди. Ҳозирдаёқ ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 445 центнер помидор олинган бўлса ҳам, ҳали тупларда ҳосил жуда кўп.

АМУДАРЁ — БУХОРОГА ОҚАДИ

Қизилқум картасида яна битта зангори чизиқ тортилди. Бу—Ўзбекистонда энг йирик ирригация қурилиши, машинада сув чиқарладиган янги Аму-Бухоро каналининг трассасидир. Машинада сув чиқариладиган янги Аму-Бухоро каналининг трассаси илгариги Аму-Қоракўл каналидан қарйиб 160 километр нарига кетади. Қизилқум чўли орқали оқиб, Ўртачўл ясси тоғлигини кесиб ўтади ва Қарши даштига чиқиб боради. (ЎзТАГ).

БИЗ МАШИНА ТЕРИМИНИ ҚАНДАЙ ЎТКАЗМОҚЧИМИЗ

„Ўзбекистон ССР беш йиллиги“ совхозида машина теримига тайёргарлик кўриш ва бу ишни ўтказиш юзасидан белгиланган тадбирлар

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИДА

Область партия комитети бюроси Қуйи Чирчиқ районидаги «ЎзССР беш йиллиги» совхозининг 1962 йилда пахтани машинада теришга тайёргарлик кўриш ва бу ишни ўтказиш юзасидан белгилаган тадбирларини маъқуллади.

Область партия комитети бюроси территориал ишлаб чиқариш бошқармалари, область партия комитетининг партия ташкилотчилари, район партия комитетлари ва район ижроия комитетлари зиммасига 1-сентябрга қадар колхоз ва совхоз ларга уларнинг теримга ва машина теримига тайёргарлик кўришлари юзасидан ҳар бир жойнинг аниқ шароитини ҳисобга олган ҳолда тадбирлар тузиб чиқишда конкрет ёрдам кўрсатиш вазифасини топширди.

«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг ишчилари, механизаторлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари КПСС XXII съезди ва КПСС Марказий Комитети март Пленуми тарихий қарорлари ҳамда Ўрток Н. С. Хрушчевнинг Тошкентда бўлиб ўтган зонал кенгаши кўрсатмаларини амалга оширабориб, бу йилнинг мураккаб об-ҳаво шароити қийинчиликларини енгиб, пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар, етиштирилган ҳосил ҳар гектар ердан 32 центнердан «оқ олтин» олиш, давлатга 13 минг тонна пахта сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятнинг бажарилишини таъминлайди.

Йиғим-теримга ўз вақтида тайёргарлик кўриш ва бу ишни муваффақиятли ўтказиш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг муҳим звеноси хисобланади, барча ҳосилни қисқа муддатда йиғиб олиш, нобудгарчиликка йўл қўймаслик, меҳнат сарфи харажатларини камайтириш, шудгор учун далаларни ўз вақтида ҳосилдан бўшатиш лозим. Бу вазифани комплекс механизацияни жорий қилиш йўли билангина бажариш мумкин, пахтачиликда эса машина теримини тўғри ташкил этиш ишни комплекс мехнизацялаштиришда марказий вазифадир. «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида ўтган йили машиналар билан 5236 тонна ёки планга нисбатан 52 процент пахта терилди. Теримнинг механизациялаштирилиши совхоз ишчиларининг меҳнатини анча енгиллаштирди, йиғим-терим суръати тезлашди, натижада 40 кун давомида 10 минг тонна пахтани териб тайёрлов пунктларига топшириш мумкин бўлди ва совхоз 25 октябрда давлат планини муддатидан илгари бажарди. Теримда совхоздаги мавжуд «ХВС—1,2» ҳамда «СХМ—48» машиналаридан юқори унум билан фойдаланилди. Кўпгина механизаторлар терим техникасини жуда яхши эгаллаб олганлар ва улар яхши ишлаб чиқариш кўрсатчикларига эришдилар. Машина теримининг пахтани механизация воситасида юклаш ва тушириш ҳамда қоп-қанорсиз ташиш ишлари билан қўшиб олиб борилиши туфайли қўл меҳнати сарфи анча камайди, меҳнат унумдорлиги ортди. Бир центнер пахта етиштириш учун бўладиган сарф харажат камайди. Машина теримини пахтани қоп-қанорсиз ташиш билан тўғри боғлаб олиб борилиши ҳосилни териб олишда тоток усулига ўтиш имкониятини берди.

Бу йил совхозда терим машиналаридан янада кенг фойдаланилади. Ҳосилни териб олишнинг поток усули машина теримини ташкил этишда марказий ўрин эгаллайди.

Машина билан 3060 гектар ердан 7110 тонна пахтанинг териб олиниши кўзда тутилади. Терим даврида 115 пахта териш машинаси ишлайди. Биз пахта теришга машиналарининг обтекателлари, йиғилган ғўзаларни турғизиб тиклаб кетадиган қисмларини созлашга алоҳида аҳамият берамиз, ана шунда пахтанинг ерга тўкилишига йўл қўйилмайди, бу эса қўл теримини кескин камайтиради.

Бригадаларга бириктиб қўйилган барча машиналар ўз участкаларида ишлайди ва бу машиналарга ана шу бригадалардаги механик-ҳайдовчилар хизмат қилади. «ХВС—1,2» машиналарида эса иш икки сменада ташкил этилади. 28 августдан бошлаб механизаторлар билан уларнинг малакасини ошириш ва машина теримини ташкил қилиш юзасидан 5 кунлик семинар иш бошлайди. Пахта териш машиналари қоронги шомгача ҳам ишлайди. Шунинг учун барча машиналар электр чироқлари билан таъминланади. Машина терими учун ажратилган далаларни терим олдидан ўтдан тўла тозалаймиз. Машиналар қайриладиган йўллар олдиндан текисланиб қўйилади. Ўқариқлар текисланади. Машиналар келадиган йўллар, кўприклар ва транспорт воситалари ўз вақтида тахт қилинади.

Машина терими учун ажратилган ерларда ғўзани ўсиб кетмаслиги ва ётиб қолмаслиги учун кузатиб борамиз. Машина терими учун ажратилган участкаларда эгатлар қатор ораларининг қоқ ўртасидан бир хил чуқурликда олинади. Терим машиналарининг ишлаши учун яхши шароит туғдириш мақсадида дефолиациялан сўнг кам деганда 75 процент ғўза барги тўкилишини таъминлаймиз. Совхозда дефолиацияни ҳар бир бўлим бўйича ғўзанинг ҳолатига қараб табақалаштирилган ҳолда ўтказишга қарор қилдик. Бироқ шу билан бирга бир қатор бригадаларда ғўза баргини тўкиш бир вақтнинг ўзида ўтказилади, бу пахта териш машиналари иш ҳажмини анча кенгайтириш имкониятини беради.

Ана шундай қилганимизда машиналардан юқори унум билан фойдаланишга эришилади ва машина теримига 20 сентябрдан кечикмасдан тушиш мумкин бўлади. Кўсакларнинг 60 процента очилганда машина теримини бошлаймиз. Биринчи беш кунликда — 20—25 сентябрда машина теримига 600 гектар ер тайёрланади. Ҳар бир пахта териш машинасига 5—6 гектардан ер тўғри келади. Бу дастлабки кундан бошлабок мавжуд 115 пахта териш машинасини ишга туширишга ёрдам беради.

Пахта териш машиналарининг ишини группа ҳолида — бир ерда 4—5 тадан ишлатишни ташкил этамиз, уларга 4—6 тадан тележкалар бириктиб қўйилади. Бунда шу нарса ҳисобга олинади: 2 — 3 тележка йўлда бўлган вақтда колган 2—3 таси далада бўлади, уларга бункерлардан пахта тўкиб турилади.

Шу билан бирга ҳар бир пахта териш машинаси ўзига бириктирилган маълум бир участкада ишлайди. Механизаторларимиз қаторларга агрегат оралагандан сўнг пахтанинг тозаланиб кетиши ва кўшимча вакт ажратиб қўлда териш учун овора бўлинмаслигини кўзда тутиб, ишни пухта киладилар. Машинада терилган пахталарнинг хаммасини коп-қанорсиз ташиймиз. Автомобиллардан асосан кўлда терилган пахталарни ташишда ва хўжаликнинг ички ишларида фойдаланамиз. Тажриба транспортдан ана шу йўлда фойдаланиш анча яхши натижа беришини кўрсатди. Ҳисоблаб чиқишлар шуни кўрсатдики, агар теримга пухта тайёргарлик кўрилса ва машина терими мохирлик билан ташкил этилса, 1962 йилда планда белгиланганимиздан ҳам кўп пахтани машина билан териш мумкин. Шундай килиб, машина билан 8 минг тонна пахта териш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни бажарамиз.

Календарь планига мувофиқ пахта теримини 40 кун давомида ўтказилиши таъминланади. ҳар кунн машина билан 200 тонна, қўл билан 75 тонна, жами эса 275 тонна — яъни йиллик пахта сотиш планининг 2,5 процента миқдорида пахта терилишини таъминлаймиз. Энг яхши кунларда 4 процент миқдорида пахта теришга эришамиз.

Механизаторларимиз машина терими масъулиятини чуқур ҳис килган ҳолда ўз зиммаларига мажбурият олдилар. Масалан, механик ҳайдовчи Али Курош ўз имкониятини хисоблаб чиқиб 200 тонна, Маҳмуд Хусанов 180 тонна, Идрис Дидаков 180 тонна Хиджи Ниёзов 170 тонна, Одил Кодиров 160 тонна, Анор Азизхўжаев 180 тонна, Сервар Жоналиев 180 тонна пахта теришга сўз бердилар.

5-бўлимнинг бошқарувчиси Ўрток Чачи Мустафо машина билан 70 тонна пахта теришга сўз берди. Бошка кўпгина механизаторлар ҳам зиммаларига ана шундай юксак мажбуриятлар олдилар.

Биз барча моддий техника ва ишчи кучлари воситаларидан мумкин кадар унумли фойдаланиш чораларини кўрмоқдамиз. Календарь ишларининг бажарилиш муддатлари совхоз, бўлим ва бригадалар бўйича ахвол хисобга олиниб планлаштирилди.

Далада ишлаётганлар учун барча маданий-маиший шароитларни яратиб бераміз. Иссиқ овқат ташкил этилади, болалар муассасаларининг иши яхши йўлга кўйилади.

Биз КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1962 йил 12 июлдаги «Шаҳарлардаги ишчи ва хизматчиларнинг колхоз ва совхозларнинг кишлок хўжалик ишларига жалб этиш ҳақида баъзи иттифоқчи республикаларнинг килган илтимослари тўғрисида»ги қарорини муҳокама килиб чикдик ва етиштирилган ҳосилни ўз кучимиз билан йиғиб олиш учун совхоздаги мавжуд меҳнат ресурсларини тўла сафарбар килишга карор килдик. Пахта терими олиниган социалистик мажбуриятни бажаришда ҳал килувчи боскич хисобланади ва бунда механизаторларнинг зиммасидаги масъулияти каттадир, пахта терим планининг бажарилиши уларга боғлик.

Механизаторлар ва совхознинг барча ишчилари машина теримини муваффакиятли ўтказиш, етиштирилган ҳосилни сира нобуд килмай, киска муддат ичида йиғиб-териб олиш ва социалистик мажбуриятни муваффакиятли бажариш учун бутун куч ва ғайратларини аямайдилар.

И. ИБРОҲИМОВ — «ЎзССР беш йиллиги» совхозининг директори, А. И. ЛАНГОВОЙ — совхоз партия ташкилотининг секретари, В. П. БАКУЛИН — бош агроном, Д. Ҳ. ҲАИДАРОВ—бош инженер, Ҳ. БУРХОНОВ — ишчилар комитетининг раиси, Чачи МУСТАФО бўлим бошқарувчиси, Чки РИДВОН, Мазин ФИКРЕТ механик-ҳайдовчилар.

«ЎЗБЕКИСТОН ССР БЕШ ИЙЛЛИГИ» СОВХОЗИДА ЙИҒИМ-ТЕРИМГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА МАШИНА ТЕРИМИНИ ЎТКАЗИШ ЮЗАСИДАН БЕЛГИЛАНГАН ТАДБИРЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ЮЗАСИДАН ҚИЛИНАДИГАН ИШЛАРНИНГ КАЛЕНДАРЬ ПЛАНИ

	Бажарилиш муддати	Ишчи кучларининг сони	Иш ҳажми	Ҳар кунн терим.га жалб килинадиган кишилар
Терим олди ўтдан тозалаш	25/VIII—5/IX	10	306	918
Дефолиация				
а) цианамид калций пуркаш	5/IX—10/IX	5	120	6
б) соф цианамид билан дорилаш	10/IX—12/IX	3	240	12
в) кремнефтор натрий цианамид дорини пуркаш	13/IX—16/IX	4	245	12
г) клорад магний пуркаш	17/IX—22/IX	5	28	14
2. Қайриладиган ерларни текислаш	20/IX—5/X	15	7	35
3. Хирмонларни тўла тайёрлаш	25/VIII—5/IX	10	400	400
4. Биринчи машина терими	20/IX—20/X	30	200	415
5. Иккинчи машина терими	20/X—10/XI	20	100	415
6. Қўл терими	10/IX—20/X	40	75	1875
7. Қўлда тўкилган пахталарни териш	21/X—11/XI	20	32,5	1775
8. Кўсакни қўлда териш	21/X—11/XI	20	65	813
9. Машинада кўсак териш	21/X—15/XI	25	102	84
10. Кўсак тозалаш	23/X—18/XI	25	54	218
11. Далаларни тозалаш	22/X—20/XI	28	110	330
12. Шудгорлаш	11/XI—30/XI	20	237	60
13. Суперфосфат ташиб келтириш ва ерни минераль органик ўғитлар билан ўғитлаш	11/XI—30/XI	20	237	150

ЗОТЛИ МОЛЛАР ВИСТАВКАСИ

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги 1962 йилнинг 28 августидан бошлаб 2 сентябргача Оржоникидзе районидаги «Кизил Ўзбекистон» колхози территориясида зотли моллар республика виставкасини ўтказади.

Виставкада Ўзбекистон, Тожикистон, Козогистон, Украина ва Туркманистон Совет Социалистик республикаларининг колхоз ва совхозларидан келтирилган йирик шохли қорамоллар, чўчқалар, отлар, қўй ва паррандалар намойиш қилинади.

Виставкага келувчи колхозчилар, совхоз ишчилари хўжалик раҳбарлари ва кишлоқ хўжалиги мутахассислари фан ва илғор тажриба ютуқлари билан таниш ш л а р и мумкин. Виставкада зотли молларни белгиланган баҳо бўйича сотиш ҳам ташкил этилади.

У ТАН МОСКВАГА КЕЛДИ

МОСКВА, 25 август. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош секретарининг вазифасини бажарувчи У Тан бугун визит билан Москвага келди.

У Тан аэродромда матбуот вакиллари учун баёнот берди. Совет ҳукуматининг меҳмони сифатида,— деди у,— улуғ мамлакатингизга келганлигим билан жуда бахтиёрман. СССРда бўлиш имкониятини берганликлари учун совет халқидан ва жаноб Хрушчевдан жуда миннатдорман.

БМТ бош секретари вазифасини бажарувчи Совет мамлакатига қилган дастлабки сафарини, бу мамлакатнинг тинчликсеварлигини шу чоққача хотирасида сақлаб келаётганлигини айтиб, совет халқининг янада равнақ топишини тилади. Биз, деб давом этди у, яқинда совет космонавт учувчилари кўрсатган буюк жасоратнинг шоҳидлари бўлдик. Мен улар олган табрикларга ўз табрикларимни илова қиламан.

Аминманки, деди пировардида У Тан, совет раҳбарлари билан фикрлар олишув самарали бўлади.



«Ташсельмаш» заводининг ҳовлисидан ҳар куни ўнларча пахта териш машиналари республикамизнинг колхоз ва совхозларига жўнатилади. Суратда: пахта далаларига сафарга шайланиб турган янги машиналар карвонини кўриб турибсиз.

В. Салов фотоси.



Республикамиз пойтахти — Тошкентнинг қиёфаси кун сайин, соат сайин гўзаллашиб боряпти десак муболаға бўлмайди. Ушбу расмларга бир назар ташланг. Биринчи расмда янги бунёдга келган Куйбишев номли майдонни, иккинчи расмда эса шаҳримизнинг Ново-Московская кўчасини кўриб турибсиз.

В. Салов фотолари.

МЕҲНАТСЕВАРЛАР

Коллективимиз бу йил ўз зиммасига катта мажбуриятлар олиб ишламоқда. Биз етти йилликнинг тўртинчи йили планини муддатидан илгари бажариш, маҳсулот таннархини камайтириш, меҳнат унумдорлигини анча оширишга аҳд қилганмиз. Аммо ҳамма гап ана шу ваъданинг устидан чиқишда эканлигини яхши тушунган ишчиларимиз, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларимиз бир ёқадан бош чиқариб баракали меҳнат қилишмоқда, мавжуд ички резервларни қидириб топиш ва улардан фойдаланишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Шу туфайли ҳам етти ойлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш топшириғи муддатидан анча илгари адо этилди. Қўшимча равишда эса бирнеча минг сўмлик канап толаси тайёрладик.

Бундай ютуқларга эришишда арқон цехи коллективининг хизмати катта. Цех коллективи ўзаро социалистик мусобақа асосида ишлаб, етти ойлик топшириқни 130 процент қилиб адо этди. Цехдаги тўртта бригада баракали ишламоқда. Уларнинг иш кўрсаткичлари 130-140 процентни ташкил этади. Цех коллективи ҳар куни 8000 метр ўрнига 10 минг метрдан арқон тўқиётир.

Н. РАҲИМОВА,
Тошкентдаги канап фабрикасининг ишчиси.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

ОММАНИНГ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

А. АКРОМОВ,
Киров район партия комитетининг биринчи секретари.

<> <>

Совет халқининг ҳар бир куни коммунистик жамият қуриш йўлидаги фидокорона меҳнатнинг ажойиб самаралари билан нишонланмоқда. Партия халқнинг иродаси, куч-ғайратини КПСС Программасида олдимизга қўйилган улкан вазифаларни ҳал этишга сафарбар қилмоқда. Бу вазифани ҳал этиш учун курашда ҳамма ерда ва ҳар ишда бошланғич партия ташкилотлари олдинги сафларда бориб, оммаанинг актив ташкилотчиси бўлмоқда.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III Пленуми партиянинг асосий ҳисобланган бошланғич партия ташкилотларининг хўжалик ва сиёсий вазифаларни бажаришдаги ролини янада ошириш зарурлигини алоҳида қайд этди.

Киров район партия комитети бу муҳим ишнинг аҳамиятини тушуниб бошланғич партия ташкилоти секретарлари ва уларнинг ўринбосарларини танлаш, ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларига коммунистларни қўйиш ишига катта эътибор бермоқда. Бундан икки йил муқаддам бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари орасида олий ва ўрта маълумотли, айниқса мутахассис кадрлар бармоқ билан санарли даражада эди. Ҳозир эса 235 бошланғич партия ташкилоти секретарларидан 203 киши ўрта ва олий маълумотли бўлиб, шуладан 75 киши хотин-қизлардир.

Бошланғич партия ташкилотларига раҳбарликни яхшилаш саноат корхоналарининг хўжалик фаолиятига самарали таъсир кўрсатмоқда. Ярим йиллик план ошириб бажарилиб, пландан ташқари 1 миллион 921 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Кейинги вақтларда район партия комитети семинар тўгказиш йўли билан кадрларни ўқитиш ишига кўпроқ эътибор берадиган бўлиб қолди. Райком ходимлари, штатсиз активларимиз бевосита жойларга бориб бошланғич партия ташкилоти секретарларига амалий ёрдам бераётирлар. Аппарат ходимлари системали равишда ўқитилаяпти. Бунинг учун бизда «инструкторлик соати» жорий қилинган. Ана шу инструкторларни ўқитиш соатида секретарлар, бўлим мудирлари ва инструкторлар ўзларининг иш тажрибаларидан сўзлайдилар. Ҳозир райком доимий тарзда ўтказиладиган партия активи мактабини ташкил этиш устида иш олиб бораяпти. Ҳар бир ишнинг муваффақиятли чиқиши кадрларга боғлиқ. Кадрларни тўғри танлаш, улардан жой-жойида фойдаланиш кутилган натижани беради. Лекин айрим ташкилотларнинг раҳбарлари ана шу ишга етарли эътибор беришяпти деб бўлмайди.

Яқинда раҳбар ходимларимиз орасида Генодман деган шахс пайда бўлиб қолди. У Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги қошидаги механизация базаси бошқармасининг бошлиғи вазифасига қўйилибди. Генодман ўзи ким эди ва у қандай қилиб бу лавозимга ўрнашиб олди.

Генодманнинг дўстлари уни Мирзачўлнинг жонкуяри деб кўкларга кўтараяптилар. Ҳолбуки у Мирзачўлда бор-йўғи бир йилдан сал ошикроқ вакт ичида иккита лавозимда ишлаб кўрди. Шундан сўнг ўртоқ Генодман Тошкентдаги 39-автобазага берилган йўлланма билан келиб директор бўлиб олди. Бу ерда у 1962 йил февраль ойигача ишлади. 1960 йили 26 минг сўм, 1961 йил эса 53 минг сўм зарар келтирди. Автомобиль паркидаги фойдаланиш коэффициенти 27 процентга тушиб қолди. 41 автомашинанинг қисмлари талон-тарож қилиб юборилди.

Хаммадан қизиғи шундаки, автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги коллегияси Генодманни ишни ўддалай олмагани учун бўшатиб юборий, унинг меҳнат дафтарчасига «ўз хоҳиши билан бўшатилди» деб ёзиб юборибди. Гапни қарангки, қурилиш министрлиги Ўзбекистон КП район комитетининг розилигисиз уни яна раҳбарлик ишига — механизация базаси бошқармасига бошлиқ қилиб тайинлабди.

Райком Генодманни қабул қилмади, балки уни қурилиш министрлигига чақириб олиб, оддий ишга қўйишни тавсия этди. Шу билан бирга Генодманга автомобиль транспорти министрлигидан характеристика беришни сўралди. Министрликдаги ўртоқлар узундан-узоқ характеристика ёзиб юборишдилар. Ана шу характеристиканинг фақат 7 қаторигина унинг камчиликларига бағишланган.

Яна бир мисол. УНР-336 лиинг бошланғич партия ташкилоти қарор чиқариб бош инженер Зименкони ишлаб чиқариш интизомини бузганлиги ва иғвогарлик қилганлиги учун ишдан бўшатиб юборди. Зименко аввал ўз қилмишига яраша партия сафидан чиқариб юборилган эди. Ана шунга қарамай Қурилиш министрлиги уни «ўз хоҳишига биноан ишдан бўшатилди» деб фармойиш ёзди. Кадрларни бундай нотўғри тарбиялаш ишимизга катта зарар бераяпти.

Бизда хали ҳам софдил кишиларни обрўсига путур етказишга ҳаракат қилувчи бўхтончилар топилиб туради. Масалан Шигаев деган шахс райондаги раҳбар ходимлардан бирига бўхтонлар ёғдириб юрди. Текширишда маълум бўлишича Шигаевнинг шикояти мутлақо ўринсиз эканлиги аниқланди. Унга тегишли жазо берилди.

Районимизда софдил, ишнинг кўзини биладиган раҳбарлар асосий ўзакни ташкил этади. Райком кенг жамоатчиликка, партия, совет активларига таниб юқоридаги каби камчиликларга ўз вақтида барҳам бераётир.

Ҳаёт олға қараб илдам бораётир. Коммунистик қурилишнинг бетўхтов ўсиб бораётган қўлами кадрларимиз зиммасига яна ҳам юксак ва масъулиятли вазифалар юкламоқда. Раҳбар кадрларни коммунистик ғоявийлик руҳида, партия ва халқ олдида жавобгарликни хис этиш руҳида тарбиялаш партия ташкилотларининг олдида турган асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Киров районидаги бошланғич партия ташкилотлари коммунистларнинг авангардлик ролини, ижодий активлигини ҳамма ишлар билан оширишга, халқ билан алоқани тобора мустаҳкамлашга, мамлакатда коммунизм қуриш ишига муносиб ҳиссаларини қўшишга астойдил бел боғлаганлар.

ЧЕТ ЭЛЛАРДАГИ ВИСТАВКАЛАРГА...

Ўзбекистон Халқ хўжалиги кенгаши машинасозлик саноати бошқармасига қарашли «Ташавтомаш» заводида ишлаб чиқарилаётган пахтани қоп-қанорсиз ташувчи «ПТС-3-766М» маркали прицеплар иттифоқчи республикаларнинг пахтакорларига ҳам манзур бўлмоқда, унга талаб тобора ошиб бораяпти. Буни ҳисобга олган корхона коллективи қардош пахтакорларимизнинг заказларини ҳамиша муддатидан олдин тўла-тўкис адо этмоқда.

Завод маркасидаги прицеплар эндиликда жаҳон миқёсига ҳам чиқаётир. Коллектив яқинда Болгария, Бразилия, Сурия, Нигерия, Судан сингари мамлакатларда ташкил этилган халқаро виставкаларда намойиш қилиш учун бир неча прицеп жўнатди.

М. ТОҲИРОВ.

ЯНГИ КУЧ БИЛАН

Янгийўл қурилиш-монтаж бошқармаси коллективи етти йилликнинг тўртинчи йилида яхши меҳнат қилаётир. Ойлик ва квартал топшириқларини мунтазам ортиғи билан адо этмоқда. Бошқарма бинокорлари шу йилнинг иккинчи квартали топшириқларини юксак кўрсаткичлар билан бажарганликлари учун республика Қурилиш министрлиги ва қурувчилар ҳамда қурилиш материаллари саноати корхоналари ишчилари касаба союзи республика комитетининг кўчма Қизил байроғини ҳамда биринчи даражали пул мукофотини олишга сазовор бўлган эдилар.

Юксак мукофот қурувчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларни меҳнатда янгидан-янги ютуқларга рўхлантириб юборди. Улар қурилиш ишлари сўръати ва сифатини оширмоқдалар, таннархини эса мунтазам арзонлаштираётирлар. Бинокорлар саккиз ойлик қурилиш-монтаж ишлари планини ҳам бажаришди. Шу давр ичида 2 минг квадрат метрдан ортиқроқ уй-жой майдони фойдаланишга топширилди. Етоқхона, болалар яслиси, 520 ўқувчига мўлжалланган янги ўрта мактаб биносини қуриш ишлари тугалланай деб қолди.

Ўзининг фидокорона ва унумли меҳнати билан бошқарма коллективи орасидагина эмас, шу билан бирга бутун шаҳарга донг таратган илғор бригадаларнинг иш кўрсаткичлари янада яхшидир. Ўртоқ Исматов бошчилигидаги дурадгорлар, ўрток Абляметов раҳбарлигидаги ғишт терувчилар, Жамолбеков ва Нишонбоев ўртоқлар бошчилик қилаётган бетончилар бригадалари нормани 150 процент ва ундан ҳам ошириб адо этмоқдалар.

Т. ВАЙНЕР.

1966 ЙИЛ ҲИСОБИГА

«Узбекхиммаш» заводида илғорлар ва новаторлар сафи кун сайин кенгайиб бораётир. Бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан унумли ишлаш, коммунизм моддий-техника базасини яратишда актив иштирок этиш, унга муносиб ҳисса қўшиш учун кураш — корхона пешқадамларининг кундалик шиори бўлиб қолди. Ана шу шиорни дилга жо қилиб олган юзлаб машинасозлар ишда ажойиб ютуқларга эришмоқдалар. 1-механика цехининг ака-ука Анатолий ва Василий Дедюринлар, Александр Снегирев, Константин Никитин ўртоқлар сингари токарь ва слесарлари корхонада биринчи бўлиб, етти йиллик нормасини муддатидан илгари бажарганликлари ҳақида рапорт берган эдилар.

Эндиликда 1966 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқараётган кишилар яна кўпайди. Яқинда етти йиллик топшириқларини муваффақиятли бажарганликлари ҳақида бир неча ишчи рапорт берди. Улар орасида 2-механика цехининг коммунистик меҳнат зарбдори номини олган 13 ишчиси бор. Йиғувчи-слесарь Асхадуллин, фрезеровкачи, цех касаба союз комитетининг раиси Габбосов, токарлардан Нижегородцев, Халилов, пармаловчи Муҳамедов ва бошқалар шулар жумласидан. Бундай пешқадам ишлаб чиқариш илғорлари қозон, қуюв ва бошқа цехларда ҳам бор.

Н. МАСЛОВ.

ТЎҚИМАЧИЛАРГА ЮҚОРИ СИФАТЛИ ТОЛАНИ КЎПРОҚ БЕРАЙЛИК

ПАХТА-ЛУБ САНОАТИ ХОДИМЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИДАН

□ □ □

Ўзбекистон индустриясининг энг кекса тармоғи бўлган пахта тозалаш саноатини қайта бошдан яшармоқда, дейиш мумкин. Республиканинг Совет Иттифоқининг «оқ олтин» кони сифатидаги аҳамияти етти йилликда йил сайин ошиб, газлама тўқиш учун чиқарилган тайёр тола карвонлари пахта заводларининг дарвозаларидан мамлакатнинг ҳамма томонларига қараб йил сайин тобора кўпроқ йўл олмоқда.

Пахта ҳосилини қабул қилиб олиш, сақлаш ва қайта ишлашга тайёргарлик кўриш масалаларини терим арафасида биргаликда муҳокама қилиш учун бир жойга тўпланиш — пахта тозалаш саноати ходимларининг традицияси бўлиб қолди.

Пахта-луб саноати ходимларининг 25 августда Тошкентда бўлиб ўтган кенгашида таъкидлаб ўтилганидек, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партиянинг тарихий XXII съезди ва КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорларини бажара бориб, КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг кундалик ёрдамига таяниб, об-ҳаво ноқулайликлари натижасида бу йил юз берган қийинчиликларни енгиб, мамлакатга 3 миллион 350 минг тонна қимматбаҳо хом ашё етказиб бериш юзасидан ўзлари олган юксак социалистик мажбуриятларни бажаришга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Бу нарса пахта тозалаш саноати ходимларининг зиммасига қандай вазифалар юклайди?

ЯХШИ НАТИЖАЛАР...

Рақамлар кўзга кичкина бўлиб кўрингани билан, партия ва давлатнинг ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва янгилаш ҳақидаги ғамхўрлигини нақадар тўла ифодалайди. Кейинги йилларда республика пахта-луб саноатини янада ривожлантиришга сарфланган капитал маблағлар 45 миллион сўмдан ошиб кетди. Заводларнинг қуввати кенгайтирилди, уларнинг энергия билан қуролланиши анча оширилди. 130 та янги механизациялашган қуритиш—тозалаш цехи қурилганлиги туфайли бундай цехларнинг сони икки баравар кўпайди.

Пахта-луб саноати корхоналарининг коллективлари ўзидаги мавжуд ғоят катта имкониятларидан мумкин қадар тўлароқ фойдаланишга ҳаракат қилиб, маҳсулот ишлаб чиқариш етти ойлик планини муддатидан олдин бажардилар. Докладчи — Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгашининг раиси Н. В. Мартинов ва кенгашнинг бошқа қатнашчилари ҳамма корхоналар планни тўла бажарганлигини мамнуният билан таъкидлаб ўтдилар. Пландан ташқари ўн минг тоннадан кўпроқ пахта толаси, икки минг тонна пахта линти, 1200 тонна канап толаси ва 175 минг квадрат метр жут толасидан тўқилган газлама берилди. Ҳаммаси бўлиб топширишга қўшимча равишда 3800 минг сўмликдан кўпроқ ҳар хил маҳсулот ишлаб чиқарилди, айни маҳалда шу маҳсулотнинг 99 процентдан кўпроғи меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига берилди. Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан меҳнат унумдорлиги 9.6 процент оширилди. Ана шуларнинг ҳаммаси ўтган етти ой мобайнида маҳсулот таннархини планга нисбатан беш ярим миллион сўмдан кўпроқ камайтиришга имкон берди.

Коммунистик меҳнат ҳаракати пахта-луб саноати корхоналарининг илгаригидагига нисбатан анча юксакроқ техника-иқтисодий иш кўрсаткичларига эришишларида катта роль ўйнади. Ўттиз минг ва ундан ортиқ киши, яъни республика индустриясининг мана шу тармоғида ишлаб турган ҳамма ходимларнинг деярли етмиш процентини коммунистик меҳнат ҳаракатида қатнашмоқда. 105 бригада коммунистик меҳнат коллективи деган юксак номни олишга сазовор бўлди.

Шу факт ҳам ватанпарварлик мусобақасининг мисли кўрилмаган тарзда кенг авж олганлигидан далолат бермоқда. Бу мусобақада 21 корхона, 80 цех ва 105 участка актив қатнашмоқда. Ана шу ажойиб мусобақанинг самаралари яққол кўриниб турибди.

...ИШНИНГ БОШЛАНИШИ, ХОЛОС

Дарҳақиқат, бу йил республика пахта-луб саноатида бундан аввалги йиллардагига нисбатан сезиларли силжишлар рўй берди. Шунга қарамай, бу силжишлар корхоналарнинг хўжалик фаолиятини кескин яхшилаш соҳасида қилиниши лозим бўлган катта ишнинг бошланиши, холос. Кенгашнинг ҳамма қатнашчилари бу ҳақда якдил бўлиб гапирдилар.

Мутахассисларнинг ҳисоблаб кўришича, Ўзбекистон миқёсида қайта ишланаётган пахтадан тола олишни бир процентнинг ўндан бир қисмича кўпайтиришнинг ўзи тўқимачилик саноати учун шунча миқдорда қўшимча хом ашё берадики, бу хом ашёдан йигирма миллион метр газлама тўқиш мумкин. Бу — ишлаб чиқаришни юксалтиришнинг жуда муҳим резервидир. Лекин ҳамма корхоналарнинг раҳбарлари ҳам шу резервни тўла ишга солиб юбориш тўғрисида ғамхўрлик қилмоқдалар, деб бўлмайди.

Тўқимачилар тола сифатининг паст бўлаётганлиги, унинг ифослиги учун пахта тозалаш саноати ходимлари шаънига кўпинча адолатли таъналарни айтмоқдалар. Заводларни пахта тозалайдиган энг янги техника билан қуроллантиришни тезлаштириш керак. Айни маҳалда нўноқлик ва хўжасизликка қарши муросасиз кураш очиш, тайёрлов шохобчасининг иши устидан контролни кучайтириш ва шу орқали ҳар хил суиистеъмолчиликларга бутунлай барҳам бериш, кадрлар танлаш ва тарбиялаш ишига эътиборни ошириш зарур.

ТАЙЁРЛОВЧИ —ҲОСИЛ ТЕРИМИНИНГ ТАШКИЛОТЧИСИ

Баъзи бир тайёрловчилар биз колхоз ва совхозларда терилган пахтани қабул қилиб олувчилармиз, холос, деб ўйлайдилар. Кенгаш қатнашчилари ана шу ғоят хато фикрни рад қилиб, бир овоздан шуни айтдиларки, тайёрловчи—ҳосил теримини ташкил қилувчидир, у бевосита хўжаликларга бориб, пахтани тўғри теришда пахтакорларга кун сайин ёрдам бермоғи керак.

Ҳозир пахта сифатини янада яхшилаш мақсадини кўзлаб, пахтанинг янги давлат стандарти жорий қилинмоқда. Шу муносабат билан тайёрлов пунктлари ходимларининг роли жуда ошиб кетмоқда. Бу стандарт ҳам колхозларнинг манфаатларини, ҳам саноатнинг манфаатларини тўлароқ ҳисобга олади. Тайёрлов ишини тубдан қайта қуриш вазифасини юклайди.

Ҳали фойдаланишга топширилмаган янги қуритиш-тозалаш цехлари қурилишини жадаллатиб юбориш, пахта тозалаш саноатининг ходимлари, машинасозлар ва олимлар ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш учун нималар қилиш керакligи ҳақида кенгашда кўп гаплар айтилди.

Алимкент пахта заводининг директори Р. С. Жомбоев, Самарқанд пахта тайёрлаш трести бошқарувчиси вазифасини бажарувчи М. Г. Семидеткин, Намангандаги 3—4-пахта заводининг бош инженери С. Бойдадаев, Тошкент пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси С. Р. Нишонбоев, Тошкент тўқимачилик комбинатининг ип йигирувчиси М. Ф. Алпатова, Каттақўрғон пахта заводи коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи И. Киличев, Андижон пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси М. Ш. Шамсибоев, пахта тозалаш саноати давлат махсус конструкторлик бюросининг бошлиғи В. А. Взенконский, «Узбекхлопкомаш» заводининг директори В. В. Синягин ҳамда бошқа мутахассислар ва ишлаб чиқариш новаторлари ўз нутқларида амалий таклифларни айтдилар. Бу таклифлардан кўпи пахта-луб саноати ходимларининг социалистик мажбуриятларига киритилди.

Е. МАЙОРОВ,
(ЎзТАГ мухбири)

* * *

Яқинда пахта ва луб саноати ходимларининг область кенгаши ҳам бўлиб ўтди. Кенгаш қатнашчилари шу йилнинг етти ойлик иш якунлари, яъни мавсумда пахта ва лубни тайёрлаш ҳамда қайта ишлаш соҳасидаги масалаларни муҳокама қилдилар.

Область «Заготхлопколубтрести» бошқарувчиси С. Р. Нишонбоев шу масала юзасидан доклад қилди. Докладчи таъкидлаб ўтдики, трест бўйича етти ойлик программа 109 процент адо этилди. Шу вақт ичида пландагидан ташқари 2 миллион 295 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Янги техникани жорий қилиш, механизация воситаларидан кенг фойдаланиш ҳамда меҳнат пухта ташкил этилганлиги туфайли шундай ютуқлар қўлга киритилди.

Эришилган муваффақиятлар билан бир қаторда айрим корхоналарнинг хўжалик-молиявий фаолиятида жиддий нуқсонлар ҳам рўй берди. Гулистон, Боёвут ва Пискент пахта заводларида маҳсулот таннархи ошириб юборилди. Ўтган йилги ҳосилнинг толасини ажратиб олишда технологик камчиликларга йўл қўйилди. Бунинг оқибатида мамлакатимиздаги бир қанча тўқимачилик фабрикаларидан сифатсиз толалар ишлаб чиқарилгани ҳақида шикоятлар келди.

Янги мавсумга корхоналар қандай тайёргарлик кўрмоқдалар?

Тошкент, Боёвут, Бекобод, Далварзин, Пискент, Алимкент, Бўка ва Оққўрғон заводлари капитал ремонтдан чиқарилди.

Қуритиш-тозалаш цехларининг ремонти муддатидан илгари тугатилади. Ҳозир 44 та цехдан 38 таси тайёр ҳолга келтирилди.

Тайёрлов пунктларини пахтани қоп-қанорсиз ташишга тайёрлашга катта эътибор бериляпти. Бу йил камида 360 минг тонна пахта қоп-қанорсиз ташилади. Бироқ айрим машинасозлик саноати корхоналари қабул қилиш — узатгич механизмларини ўз вақтида етказиб бермаётирлар. Жумладан «Узбекхлопкомаш» заводи шу кунга қадар 57 ўрнига атиги 17 «ПТХ-20» установкаси, «Чирчиксельмаш» заводи 43 ўрнига 23 та транспортёр етказиб берди. Шунингдек белгиланган 71 ўрнига атиги 12 та автоприцеп олинди, холос.

Кенгашда сўзга чиққан Тошкент пахта тозалаш заводининг директори ўртоқ Зокиров корхона коллективи ва тайёрлаш пунктларининг ишчилари йил бошидан бери мажбуриятларни барча кўрсаткичлар бўйича ортиғи билан адо этганликлари ҳақида гапирди. Коллектив кўп меҳнат талаб қиладиган иш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш соҳасида анчагина ишларни амалга оширди.

Янгийўл пахта тозалаш заводи Свердлов номли тайёрлов пунктининг старший товароведи ўртоқ Шаропов таъкидладики, коллектив 14 августдаёқ пункт янги ҳосилни қабул қилишга тайёрлиги ҳақида рапорт берган эди. Комиссия текшириш ўтказиб, тайёрлов пунктини «аъло» баҳо билан қабул қилди.

Алимкент пахта заводининг партия ташкилоти секретари ўртоқ Фурманов корхоналарда кадрларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш масалаларига тўхталди.

Шунингдек кенгашда Новожизненск жут-канап заводининг директори Ким, Янгийўл пахта заводининг завод комитети раиси Марченко, область прокурори Смирнов ва бошқа ўртоқлар ҳам гапирдилар.

Кенгашда Тошкент область партия комитетининг секретари ўртоқ А. М. Илюхин нутқ сўзлади.

Кенгаш ишида область партия комитетининг иккинчи секретари ўртоқ С. М. Веселов қатнашди.

ЖОНКУЯР

Бойтўра ака Азал Сафаровларникига кириб келганида жамоат жам эди. У навбатдаги суҳбатни бошлаб юборди. Олдинига суҳбат ҳеч ким эшитмади. Бойтўра ака ўтирганларнинг ҳар биттасининг оиласи, турмуши билан қизиқиб турли саволларни ўртага ташлайбошлади. Навбат билан ҳамма ўзининг ҳаётидан гапириб берди.

— Дўстлар, деди Бойтўра ака ҳамманинг гапини эшитиб бўлгач, — ҳозир коммунизм қуриш давридамиз. Бизнинг замонамизда киши-кишига дўст, биродар бўлиши, доимо бирбирининг ҳолидан хабардор бўлиб туриши керак. Ҳа, дунёда инсондан улуғ нарса йўқ. Шунинг учун ҳам бизнинг Ватанда ҳамма нарса шу инсоннинг бахт-саодати учун қаратилган. Ҳозир мен сизларнинг эътиборингизни бир нарсага жалб қилмоқчиман. Ўзларинг биласизлар, Сарваров ёлғиз йигит. Мана ҳамма қурилиш материалларини ҳам тайёрлаб қўйибди. уйини янгилаб олмоқчи. Дўстлар, унинг ўзи айтмаса ҳам биз ёрдам беришимиз керак. Ахир иморат қуриш бир кишининг иши эмас.

Йиғилганлар Бойтўра аканинг гапини маъқулладилар. Одилжон Раҳимов, Абзар Қаҳрамонов, Мамат Муширов, Кумуш Халиловлар дам олиш куни хашарга келишга қарор қилдилар.

Кўпдан қуён қочиб қутулмас деганлар. Ха, шундай Бойтўра ака бошлиқ ёру—биродарлар дам олиш кунлари ҳамда ишдан бўш вақтларида Азал аканикига келиб уйни тиклашга ёрдам бердилар. Мана уй ҳам битди. Сарваровлар оиласи янги уйга кўчиб кирдилар.

Комсомол районидаги Ленин номли колхоз деҳконлари жонкуяр ташкилотчи Бойтўра Аҳмедовнинг номини ҳурмат билан тилга оладилар. Бойтўра ака маккажўхоричилик бригадасининг бошлиғи, сиёсий ташкилотчи ҳамдир. У ўзига бириктирилган ўнта хонадонда тез-тез бўлиб, уларнинг ҳолидан хабар олиб туради. Колхоз правленнеси билан маслаҳатлашиб, деҳқонларга амалий ёрдам бераяпти.

М. ЖУРАЕВ.



Чирчиқдаги «Узбекхиммаш» заводининг маҳсулоти Совет Иттифоқидагина эмас, балки чет элларда ҳам машҳур. Корхона маркаси билан чиқаётган машиналар Болгария, Венгрия, Руминия, Хитой Халқ Республикаси, Сурия ва бошқа мамлакатларга юборилмоқда. Суратда: Сурия закази бўйича тайёрланаётган газ холодильникини йиғиш пайти.

Р. Шамсудинов фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ЛЕКЦИЯ ПРОПАГАНДАСИ КУЧАЙТИРИЛДИ

Тошкент трамвай-троллейбус трестида лекция пропагандаси яхши йўлга қўйилган. Айниқса, КПСС XXII съезди материалларини чуқур ўрганишга катта эътибор билан қаралмоқда.

Трест партия ташкилоти бу соҳада самарали иш олиб бораётир. Коллектив ўртасида турли темаларда мунтазам равишда лекция ва докладлар ўқиляпти. Кейинги ойлар ичида 40 дан ортиқ лекция ўқилганлиги бунга мисол бўла олади.

Бундан ташқари, партия Программасида кўрсатилган проблемалар бўйича назарий конференциялар ҳам ўтказилиб турибди. Яқинда ана шундай конференциялардан бири ўтказилди. Унда «Янги кишини тарбиялаш — коммунизм қурилишининг амалий вазифаси» деган масала муҳокама қилинди. Ҳозир ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва маҳсулот таннархини камайтириш масаласига бағишлаб иқтисодий конференция ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Ф. РАХМАТУЛЛИН.

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

Ғалвирни сувдан кўтарадиган пайт келиб қолди.

ПАРВАРИШНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ БИЛАН БИРГА ЙИҒИМ-ТЕРИМГА ҲАР ТАРАФЛАМА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИНГ

☆ ☆

МАШИНАЛАР ТАХТ

Колхоз механизаторларининг бу йилги мўлжаллари катта. Улар бу йил жонажон партиямизнинг тарихий XXII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қарорларини оғишмай амалга оширабориб, мавжуд 1900 гектар майдоннинг бир минг гектарида етиштирилган ҳосилни қудратли агрегатлар билан териб олиш ва хирмонга 1470 тонна «оқ олтин» тўкишни мўлжалламоқдалар. Мўлжални ҳамма ҳам олаверади, аммо унга мард одам эришади. Механизаторлар ўз мўлжалларига эришиш учун мардлик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Ҳозирга қадар мавжуд 17 та «ХВС—1,2», 14 та «СХМ—48М» пахта териш машиналари, 20 та кўсак териш машиналари ва 18 та кўрак чувиш машиналари сифатли ремонтдан чиқарилиб, пахта йиғим-терими мавсумига пухта шайлаб қўйилди. Бу йил машиналар билан терилган пахтанинг ҳаммасини давлат омборларига қоп-қанорсиз элтиб берилади. Бу оғир вазифанинг уддасидан чиқиш учун 20 та автоприцеп ремонтдан чиқарилди.

—Илғор механизаторларимиздан Ким Ен Дин, Ким Ек Чун, Хван Бан-Чун ва Нам Ик Тен ўртоқларни ҳар қанча мақтасак арзийди, — дейди колхоз раисининг механизация бўйича ўринбосари ўртоқ Гим Нам Ким, — улар ўзларига биркитилган пахта териш агрегатларини муддатидан анча илгари ремонтдан чиқариб ҳозирданоқ дала шийпонлари олдига олиб бориб қўйишди. Сергайрат механик ҳайдовчиларимиздан Мария Габитова, Мастура Масагутова ва Владимир Ким ўртоқларнинг бу йилги ҳаддлари чакки эмас. Уларнинг ҳар бири машина терими мавсумида 150 тоннадан пахта териб бермоқчи. Уларга ишонса бўлади.

Б. СОДИҚОВ.

Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхози.

☆

Оржоникидзе районидаги Свердлов номли колхознинг ўртоқ А. Нуржонов бошлиқ маккажўхорикор бригада аъзолари ҳар гектар ердан кам деганда 1000 центнердан кўкпоя олиш учун курашмоқдалар. Суратда: бригадада маккажўхорини ўриш пайти.

А. Абалян фотоси.

КОЛХОЗ ҚОЛОҚЛИКДАН ЧИҚАЁТИР

Бўка районидаги «Коммунизм» колхози бир неча йиллардан бери энг қолоқ хўжалик бўлиб келди. Колхозчилар ўз хўжаликларини илгорлар даражасига кўтариш учун кейинги бир-икки йил ичида катта ишлар қилдилар. Хўжаликни юксалтиришга масъулиятсизлик билан қараб келган, техникага гов бўлган айрим раҳбарлар ишдан олиниб, уларнинг ўрнига ишнинг кўзини биладиган кишилар раҳбарлик вазифаларига тайинланди. Натижада хўжалик тез юксалабошлади. Ўтган йилнинг ўзидаёқ пахта ҳосилдорлиги илгариги йиллардаги 11 центнердан 23 центнерга етказилди. Хўжаликнинг бошқа тармоқлари ҳам анча ривож топди.

Бу йил қишлоқ хўжалик артелининг аъзолари ўз колхозларини яна ҳам юксалтириш мақсадида астойдил меҳнат қилаётирлар. Партиямизнинг доно кўрсатмаларига амал қилиб, мавжуд 510 гектар майдоннинг ҳар гектаридан камида 25 центнердан «оқ олтин» етиштириш юзасидан юксак мажбурият олинди. Ҳар бир пахтакор эл-юрт олдида берган сўзининг устидан чиқиш учун эрта кўкламдан бошлабоқ енг шимариб дала ишларига киришди. Чигит яхши тайёрланган ерларга қулай агротехника муддатларида экиб олинди Натижада ғўза парваришни ҳам анча эрта бошлаб юборилди. Колхознинг меҳнатсевар механизаторлари, миришкор сувчилари долизарб кунларнинг ҳар бир дақиқасини ганимат билиб, ғўза парваришини кун сайин кучайтирабордилар. Юқори агротехника қоидалари асосида оби-тобида парвариш қилинаётган ғўза туплари ҳозирги кунларга келиб ҳосилига-ҳосил қўшмоқда. Ҳар бир туп ғўзада ўртача 10—12 тадан тўқ кўсак бор. Деҳқонларнинг дастлабки ҳом чўтларига қараганда ҳозирга қадар тўпланган ҳосил 25 центнерни бемалол қоплай олади. Лекин пахтакорлар бу билан мағрурланмасдан ғўза парваришини пахта йиғим-терими бошлангунига қадар қизғин давом эттиришга аҳд қилдилар.

Колхозда ғўза парвариши билан бир қаторда пахта йиғим-теримига тайёргарлик ишлари ҳам уюшқоқлик билан бажарилмоқда. Машина теримига тайёргарликни алоҳида қайд қилиб ўтмоқ керак. Хўжаликнинг механик-ҳайдовчилари етиштирилган жами пахтанинг 60 процентини, яъни 300 гектар ердаги ҳосилни ўз агрегатлари билан териб олишга сўз бердилар. Ҳозир тўртта «зангори кема» йиғим-терим мавсумига шай ҳолда турибди. Орадан кўп ўтмай бу машиналар «оқ олтин» пайкалларида кезади.

Т. СОЛИЕВ.

ВАЪДАЛАР УНУТИЛДИ

Пахта асосий бойлигимиз. Обрўйимиз ҳам, шуҳратимиз ҳам пахтадан. Янгиер районидаги 2-«Боёвут» совхозининг раҳбарлари буни тушунмайдиларми? Тушунадилар. Улар август ойининг бошида район ва совхозда бўлган йиғилишларда 5 сентябрга қадар ғўза парваришини давом эттириш масаласини кўндаланг қилиб қўйган эдилар. Ўша гапларга қараганда бу совхозда ғўза парвариши сентябрнинг бошларигача бўшаштирилмаслиги лозим эди. Аммо ҳозирги кунда совхознинг пахта далаларида шундай бир аҳвол рўй берганки, буни кўрган киши хўжаликда ғўза парвариши тўхтатиб қўйилибди, деб ўйлайди.

Ўрток Хосилбек Олтинбеков бошкарувчи бўлган 4-бўлимни олайлик. Ҳозир бўлимда ғалати аҳвол юз берган. Совхоз раҳбарлари бўлимнинг бригадаларидан ғўза парваришини намунали ўтказиб, ҳосилга-ҳосил қўшишни талаб қилаётганлари йўқ. Бунинг ўрнига пахта майдонларидаги тўқай бўлиб ётган ғумайлардан кўпроқ силос бостиринг деб буйрук бермоқдалар.

Усмон Абдурасулов бошлиқ бригадада 160 гектар пахта майдони бор. Ҳар гектар ердан 17 центнердан пахта етиштириш мажбурияти олинган. Ғўзалар шундай калин ўт ичида қолганки, унинг орасида ғўза аранг кўринади. 20 августда бригада 6 тонна ғумай ўриб силос бостириди. Шу фактнинг ўзи кўрсатиб турибдики бригадада илгаридан меҳнат интизоми бўш бўлган. Ишчи кучлари ва техникадан ёмон фойдаланилган. Холбуки, ўтган йили ҳам бу бригада пахтадан анча кам ҳосил етиштирган эди.

Одамларга ғамхўрлик кўрсатиш жуда муҳим масала. Аммо ўрток Усмон Абдурасулов бошлиқ бригадада тушки иссиқ овқат ҳеч ўйлаб турсин, қайнок сув ҳам ташкил қилинмаган. Бу ерда ясли ҳам йўқ. Шу бўлимдаги ўрток Маъмур Отабоев бошлиқ бригадада ҳам ахвол худди шундай. Ишчиларга ғўза парвариши учун эмас, балки канча ғумай ўрганига қараб ҳақ тўланмоқда. Далада иссиқ овқат йўқ, агитация ишлари мутлако олиб борилмайди. Бригада аъзолари шу йилнинг ўтган 9 ойи давомида 3 марта кино кўрган холос.

Бу бригада 60 гектар ернинг пахтасини машинада териши керак. Машина теримига ажратилган карталарнинг ғўзаси жуда қалин ўт орасида қолган. Чеканка чала ўтказилган. Табиийки, бундай ерларнинг ҳосилини машинада териб бўлмайди. Бригадир Отабоевнинг ўзи одамларга намуна бўлиб ишламаганлиги сабабли бошқалар ҳам хўжакўрсинга меҳнат қилаётир. Айрим ишчилар «август ойида далада муҳим ишлар йўқ-ку» деб ўйлаб далада камдан-кам бўладилар. Яна бир факт кишини таажжубда қолдиради. Илгари бригадада кўчма ясли ташкил килинди. Доно Султонова исмли аёл болаларни боқар экан. Бундан бир хафта аввал у бетоб бўлиб колибди, шундан бери болалик 7 аёлнинг бирортаси ҳам далага чикмаётир. Нахотки, бригадир болалик аёлларнинг бирортасини яслига қўйиб колган 6 кишидан ҳосилга-ҳосил қўшиш ишида фойдаланишнинг уддасидан чикаолмаса!

Усмон Усаров шу бригаданинг табелчиси. У забардаст йигит. Шундай бўлишига қарамай, далага келган одамларнинг фамилиясини ёзиб қўйиб, улар қилган ишни хисобга олиш билан овора холос. Холбуки, кўп бригадаларда табелчигина эмас, бригада бошликлари ҳам бевосита ғўза парваришида қатнашиб, ҳосилга-ҳосил қўшмоқдалар. Кузда юзимиз шувут бўлмасин деган деҳқон шундай қилиши керак-да. Отабой Сулаймонов. Эгам Алибеков ўртоқлар бошлиқ бўлган бригадаларда ҳам ахвол юқоридагидек. Одамлар учун ғамхўрлик сезилмайди. Раҳбарлар талабчанлик кўрсатмайдилар. Бундай аҳволда сийрак кўчатдан мўл ҳосил етиштириб бўладими? Нахотки совхоз ва бўлим раҳбарлари, бригада бошлиқлари бу йил хўжаликда кўчат сийраклиги туфайли планни бажариш анча оғир иш эканини тасаввур килмасалар.

Областнинг кўпгина колхоз ва совхозларида бригадаларнинг дала шийпонларида кўчма магазинлар ташкил 'килинган. Бундай тадбирлар совхоз раҳбарларининг ушига ҳам кирмаган. Дала шийпонлари безатилмаган на плакатлар бор, на одамларни фидокорона меҳнатга рухлантирадиган чакириклар.

Совхознинг иккинчи бўлими 1200 гектардан ортиқроқ ерга чигит экган. Шу йирик бўлимда ҳам август ойида ғўза катор ораларида астойдил ишлаймиз деган ваъда унутиб қўйилган. Эшмат Дўстмуродов. Сайдулла Назарқосимов. Ерлибой Қўзибоев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ғўзанинг кўкига маҳлиё бўлиб ётибмиз. Бу бригадалар илгари ғўзага яхши ишлов беришган. Аммо ҳозир, айниқса, августнинг иккинчи ярми кириши билан ғўза парвариши тўхтатиб қўйилган хисоб. Учинчи бўлимнинг Э. Нуралиев. М. Пардаев. Ў. Бекқулов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ҳам ғўза парвариши бўшаштириб юборилди. Шуниси ачинарлики, юқоридаги бригадаларнинг деярли ҳаммасида ҳосилни йиғиб-териб олишга тайёргарлик ҳам жуда суст.

Ўрток Насиб Бекиров бошлиқ бригаданинг ишини мақташ мумкин. ХВСлар сифатли ремонт қилиниб, дала шийпонига этиб қўйилган. Бирок иккинчи бўлимнинг бошка бригадаларида техника ремонти ёмон ахволда. ХВСлар совхознинг марказий устахонасида ремонт килинган. Бўлимнинг ўзида бешта СХМ-48М ва 10 та кўрак чувиш машинаси ремонт қилиниши керак. СХМлар ўтган йили қандай ташлаб қўйилган бўлса, шундайлигича ётибди. Кўрак чувиш машинасидан фақат биттаси тайёр холос. Бўлим механиги ўрток Рахматулла Исмоилов бошқарувчи ўрток Ороловдан ремонт ишларига ишчи ажратишни кўп марта илтимос килган. Аммо ҳозир хам 18 ўрнига 8—9 киши ремонт ишлари билан шуғулланмокда. 4-бўлимдаги тўртта СХМ ва 10 та кўрак чувиш машинасининг ремонти хам нала ҳолда ётибди.

Хўш, совхозда ишнинг бунчалик бўшашиб кетишига сабаб нима? Хўжаликка бориб иш билан танишсангиз ғалати ҳолларга дуч келасиз. Совхоз директоридантортиб, айрим бошқарувчиларгача ишга астойдил киришмайди. Чунки ўрток В. Ҳайдаров директор эмас балки директорнинг вазифасини бажармокда. Ҳозирги кунда бош агроном вазифасини бажариб турган Сайфи Иззатов илгари биринчи бўлимнинг старший агрономи эди. У бош агроном вазифасини бажарувчи мансабига эга бўлгандан кейин бригадир Акром Ёров унинг ўрнига старший агроном вазифасини бажарувчи қилиб тайинланди. Гапнинг кисқаси совхоз партия ташкилоти секретарлиги вазифасини хам ишчилар комитетининг раиси ўрток Ким Хидон бажариб турибди. Совхозда «вазифасини бажарувчилар» кўпайиб кетганлигидан меҳнат интизоми хам бўшашиб кетган деган хулоса чиқарсак нотўғри бўлмас. Бизнингча, хар ким ўзига топширилган вазифани халоллик билан бажариши керак Совхоз раҳбарлари колган ганимат кунлардан тўла фойдаланиб хар бир туп ғўзада мўл хосил тўплашлари керак. Бутун коллективнинг, биринчи навбатда коммунистларнинг шарафли бурчи мана шу.

С. СУЛТОНОВ,

«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

С. НОРМАТОВ,

«Янгиер» газетасининг ходими.

ХИРМОН БАРАКАЛИ БЎЛАДИ

Шу кунларда «Мирзачўл» совхозининг 2-бўлимига қарашли 6 бригада далаларида ғўза парваришн ҳар қачонгидан ҳам авж олдириб юборилди. Гектар бошига камида 30 центнердан «оқ олтин» ундириш иштиёқида яшаётган пахтакорлар ғайратни сира бўшаштирмаётирлар.

Бригада механизатори ўрток Қодир Раҳмонов ўзининг фидокорона меҳнати билан коллектив ўртасида катта ҳурмат қозонмоқда. У ғўза қатор ораларига ишлов беришни то пахта йиғим-терими бошлангунига қадар сира бўшаштирмасликка аҳд қилган. Миришкор сувчилардан Марҳабой Душабоев, Мажид Файзиев ўртоқлар ҳозир жўякларга иккинчи марта шарбат суви оқизишаяпти.

Оби-тобида парвариш қилинаётган ғўзалар нормал ривожланиб, кун сайин ҳосилига-ҳосил қўшмоқда. Ҳозир ҳар туп ўсимликда 12—13 тадан бўлиқ кўсак санаш мумкин. Ҳа, бу бригада пахтакорлари кўтарган хирмон баракали бўлади.

Б. ҚУРБОНОВ.

ТАЙЁРГАРЛИК СУСТ

Колхоз бўйича 31,1 эмас, ҳар гектар ердан 37 центнердан ҳосил етиштириш ҳазил гап эмас. Бундай катта умидга эришмоқ учун Оржоникидзе районидаги Киров номли колхоз аъзолари йил бошидан бери озмунча тер тўкмадилар.

Ҳосилдорликни ошириш, ҳар гектар ердан 40 центнердан пахта олиш учун кураш бошлаган бригадалар бу хўжаликда оз эмас. 907 гектар ерга чигит экканч 7 та пахтачилик бригадасидан 6 та бригада аъзолари 40 центнерчилар ҳаракатига кўшилган.

Колхоз новаторлари ўзаро текшириш ўтказиб 510 гектар ердаги ғўзани 20 августгача, 333 гектар ердаги ғўзани 1 сентябргача, 64 гектар ердаги «қолоқ» ғўзани 5 сентябргача парвариш қилишни белгилаб чиққан эдилар. Ҳозир мана шу режага амал қилиб, далада қизғин иш олиб бориляпти. Бир ерга борсангиз ғўзага «шарбат» оқизилаётганини кўрасиз, иккинчи жойга борсангиз ғўза ичида ўсабошлаган ўтлар юлиб ташланаётганининг устидан чиқасиз, бир хил ерларда ғўза оралаб культивация қилаётган тракторлар олдингиздан чиқиб қолади. Баъзи ерларда эса аллар сўнгги чеканкани тамомлаётган бўлади. Баъзи ерларда одамлар фақат эгат оралаб ғўзаларни шамоллатиб юришибди.

Бу йил колхоз бўйича белгиланган 2805 тонна эмас, мажбурият бўйича 3150 тонна пахта терилиб давлатга сотилиши лозим. Ўтган йили пахта терими даврида четдан келиб 600 га яқин киши пахта терган, уларга колхоз 31491 сўм ҳақ тўлаган. колхознинг жуда кўп маблағи четга кетган эди. Бу йил колхоз правлениеси «етиштирилган барча ҳосилни ўз кучимиз билан териб оламиз» деб қарор қабул қилди. Бу ҳам яхши ҳаракат.

Лекин пахта теримига тайёрлик ишлари ҳали жуда суст. бу соҳада қилинаётган ишлар ҳеч кимни қаноатлантира олмайди.

Тўғри, колхоз ичидаги 20 километрлик йўлга шагал ётқизилди. 5 та газ сушилкасидан 2 таси ремонтдан чиқарилди. 12 та тарози. битта катта автотарози, 30 та безмен тарози тайёр. ремонтдан чиқарилган. Аммо 12 та кўприк битмаган. Пахта ташийдиган автомашиналарнинг кўпида балон йўқ.

Шундай катта колхозда 3150 тонна пахтадан фақат 150 тоннаси машина билан теришга планлаштирилиши кишини ажаблантиради. Бу ерда битта ҳам «ХВС-1,2» маркали пахта териш машинаси йўқ Уни сотиб олишни ҳеч ким ўйлаётгани ҳам йўқ. Учта «СХМ-48» машинаси теримга тайёр эмас. Демак бу хўжаликда пахтани машина билан териш энг кейинги ўринда.

Барча ҳосилни ўз кучимиз билан териб оламиз. деган гап. Ўз-ўзидан бўлмайди. Колхозда машинада пахта териш билан бирга. теримчилар сонини кўпайтириш, кўпминг килограммчилар харакатини кучайтириш талаб килинади. Бу ҳақда колхоз партия ташкилотининг секретари ўрток Нодир Умиров билан сухбатлашиб қолсангиз, «энди қиламиз-да ахир ҳар йили килиниб юрган иш-ку» дейди. Коммунистларнинг кучи билан канча пахта терилади десангиз, уларнинг кўпи «амалдор» дейди.

Хуллас Киров номли колхозда «етиштирилган ҳосилни ўз кучимиз билан териб оламиз» деб яхши ташаббус бошланган-у, аммо ким қанча пахта териб бераолишининг аник хисоб-китоби йўк. Теримга тайёрлик ишлари суст. «Ҳали вақт эрта» деган кайфият зўр. Колхоз раҳбарлари буни ҳисобга олишлари, пахта теримини уюшқоқлик билан бошлаб юбориш учун ҳамма зарур тадбирларни кўришлари лозим.

Б. ХАЛИЛОВ,

«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИ СИЛОС БОСТИРИШ ПЛАНИНИ БАЖАРДИ

Юқори Чирчиқ районининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш юзасидан зарур тадбирларни амалга оширмоқдалар. Улар бу соҳада дастлабки ютуқларни қўлга киритдилар.

Катта-катта майдонларда маккажўхори ва бошқа ем-хашак экинларидан мўл ҳосил етиштирилди. Донгдор жўхорикор Люба Ли бошлиқ бригада аъзолари ҳар гектар ердан 1979 центнердан кўк поя олдилар. «Политотдел» колхози бўйича ҳар гектар ердан олинган маккажўхори пояси 1460 центнерга етди. Бошқа кўпгина хўжаликларда ҳам маккажўхорининг гектаридан 1000 центнердан ошириб кўк поя олинди.

Шундай қилиб, юқоричирчиқликлар янги меҳнат ғалабасига эришдилар. Районда ширали ем-хашаклардан силос бостириш плани тўла бажарилди. Пландаги 54 минг 200 тонна ўрнига 54.500 тонна силос бостирилди.

«Политотдел» колхози силос бостириш планини 126,8 процент, «Ўзбекистон» колхози 122 процент, «Правда» колхози 110 процент бажардилар. Бошқа кўпгина хўжаликларда ҳам силос бостириш плани ортиги билан бажарилди.

Районда силос бостириш давом этмоқда.

ТАБИАТ ҚИЙИНЧИЛИКЛАРИНИ ЕНГИБ...

Бундан бир ой бурун Александра Ни бошчилик қилаётган бригаданинг далаларига бориб қолганингизда эди. 40 гектар майдонда ястаниб ётган ажойиб маккажўхори денгизига рўпара келардингиз. «Дала маликаси»нинг ҳусни шу қадар очилиб кетган эдики, унга мафтун бўлмай қолмасдингиз.

Усимлик йўл ёқасидаги симёғочлар билан бўйлашиб турарди. Зархал кокили ёзининг илиқ шабадасида ажиб ҳилпираётган сон-саноқсиз думбул сўталар «дала маликаси»нинг кўркига-кўрк кўшиб юборган. Маккажўхоризорни отлиқ бўлиб ораласангиз ҳам мутлақо кўринмай кетардингиз. Ўшанда эл-юрт олдида берган сўзига амал қиламан деб жон қойтиб меҳнат қилган деҳқонга қараб: «Қўлинг дард кўрмасин, барака топ» дер эдингиз. Ҳа, бу бригада деҳқонларига ҳар қанча тасаннолар ўқисангиз арзийди. Улар бу йил ҳақиқий деҳқон эканликларини амалда исбот этишди. Баҳор ва ёз ойларидаги табиатнинг инжиқликлари бригада аъзоларига жуда қимматга тушди. Воқеа бундай бўлган эди...

Эрта баҳорда маккажўхорикорлар: «Бу йил экинни барвақт экиб оламиз. ёзнинг пировардига борганда ҳосил ҳам барвақт етилади» деган ўй билан ерни экишга жуда эрта тахт қилиб қўйишди. Нам селгиб тупроқ етилгач, ерга уруғ ташланди. 40 гектар майдоннинг ҳаммасига маккажўхорининг «Имеретинский» нави 60×60 сантиметрли схема билан квадрат-уялаб экилди. Шундан сўнг деҳқонлар бутун куч-эътиборларини ўсимликни ернинг ўз намига ундириб олишга қаратишди. Орадан кўп ўтмай. ернинг ўз намига ямяшил мурғак маккажўхори униб чикди. Бу деҳқон учун жуда қувончли воқеа бўлди. Ҳали деҳконнинг лабларидан шодлик кулгулари кетмасдан туриб табиат инжиклик килабошлади. Кутилмаганда хаво совиб кетди. Энди қаричга келган мурғак ўсимликлар шундай оғир жафо чекишдики. асти кўяверасиз. Бу хунук воқеа деҳконларнинг юрагига катта ташвиш солди. Лекин хеч ким рухий тушкунликка тушмади. Ҳамма енгшимариб ишга тушди.

Бригадир Александра опанинг топшириғи билан механизаторлардан Иван Цой. Николай Ше. сувчилардан Ли Ен Себ. Андрей Ян ва Нан Ен Хи ўртоқлар бир ғайратларига ўн ғайрат кўшиб, ўсимликни эпакага келтирабошлашди. Кетма-кетига икки марта ҳам узунасига, ҳам кўндалангига культивация килинди. бир марта тўйдириб озиклантирилди. Пушталарни корайтириб сув таралди. Ҳам деҳконларнинг самарали меҳнатидан. ҳам саҳий қуёшнинг ҳаётбахш нуридан баҳра олган ўсимлик барқ уриб ривожлана бошлади.

Табиатнинг иккинчи инжиқлиги деҳконларга кимматга тушди. Маккажўхорининг бўйи бир метрдан ошиб колган чокда бемавруд дўл ёғиб берди. Ҳар дўлки, катталиги ёнғоқдай-ёнғоқдай келарди. Бор-йўғи ўн дақиқа давом этган офат ўсимликка катта шикаст етказди. Маккажўхорининг барглари синган, поялари қорамтир тусга кириб қолган эди. Ҳамманинг кўнглига ғашлик чўкди. «Нима килиш керак? Қайта экайликмикин? Йўқ, бўлмайди. Ҳозир майнинг 24 куни ўтди. Қайта эксак, турган гап —ютказамиз». Бу жумбок хамманинг фикру-зикрини қамраб олди. Маккажўхори ўстиришда бир неча йиллик тажрибага эга бўлган бригадир Александра Ни, олий маълумотли агроном Пак Су Сан ўртоқлар ҳамма имкониятларни хисоблаб чикиб: «Қайта экмаймиз. ишловнинг зўри билан ўсимликни аввалги холига қайтариб оламиз» деган қарорга келишди.

Шундан сўнг катта офатга дуч келган маккажўхоризорда иш қайнаб кетди. Хамманинг кўли-қўлига тегмасди. Механизатор қатор ораларини юмшатса, сувчи жўякларга сув тарар, колхозчи эса бегона ўтнинг додини берарди. Дўлдан сўнг хар гектар ерга 300 килограмм хисобидан азот солиб ўсимлик озиклантирилди. Ҳар ўн-ўнбеш кунда пайкалга сув қўйиб турилди. Маккажўхоризор икки томонлама юмшатилди.

Деҳконларнинг жон куйдириб килган меҳнатлари зое кетмади, аксинча тез орада ўз самаралари-ни кўрсатди. Ўсимликнинг бўйи беш метрдан хам ошиб кетди. Унинг ҳар тупида 2—3 тадан бўлиқ думбул сўталар хосил бўлди. Август ойининг охирига келиб бир туп маккажўхори 2,8 килограммлик тошни босди. Бундай ўсимликдан ҳар гектар ерда ўртача 55 минг туплан бор эди. Силосбоп маккажўхори кўкпоясининг ҳосили қанчалик баракали бўлганлигини ана шунинг ўзи яққол кўрсатиб турибди. Ўрим-йиғим тугагач. 40 гектар ернинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 1470 центнердан «яшил олтин» ҳосили кўтарилганлигига маълум бўлди. Бригада аъзолари етиштирган ҳосилдан 5600 тонна силос бостирилди.

Ўрток Александра Ни бошчилик қилаётган бригада биргина маккажўхорикорлик билан шуғулланмайди. Бригаданинг бепоён ерларида каноп, соя, кўхат ҳам етиштирилмоқда. Бу йил 133 гектар ерга каноп экилди. Табиатнинг инжиқликлари коноп зорларни ҳам каттик шикастлантирди. Бу экин уч марта қайта бузиб экилди. Лекин деҳконлар мўлжалдаги ҳосилни етиштиришга муваффак бўлдилар. Хар гектарида 1 миллиондан ортикроқ ўсимлиги бўлган майдонлардан ҳозир 200 центнердан «кўк олтин» ўриб олиняпти.

Бригаданинг 14 гектар ерига экилган соя ҳозирги пайтда мўл хосил тугмокда. Сентябрь ойининг охирларига бориб унинг ҳосили йиғиштириб олинади. Ҳар гектар ердан камида 30 центнердан ҳосил олиш кўзда тутиляпти.

— Бу йил юз берган табиат кийинчиликлари, — дейди бригадир ўрток Александра Ни, — экинларимизнинг ҳосилдорлигини анча пасайтириб юборди. Деҳконларимиз келгуси йили маккажўхорининг ҳосилдорлигини янада оширишни ҳозирданоқ кўнгилларига тугиб кўйдилар.



Ўрток Александра НИ.

Ш. ШОРАҲМЕДОВ,

Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз.

ТАРАДДУД

Комсомол районидаги Фрунзе номли колхоз аъзолари 937 гектар ерда 60x60 схемаси билан квадрат-уялаб пахта етиштирмоқдалар. Колхоз аъзолари ҳар гектар ердан 30 центнердан хосил олиш учун ҳамма чораларни кўришяпти. Ғўза парваришини давом эттириш билан бирга, йиғим-теримга ҳам тайёргарлик кизитилди.

Мавжуд 4 та «ХВС-1,2» пахта териш машинаси ремонтдан чиқарилди. Бундан ташқари, пахтани қоп-қанорсиз ташийдиган прицепли машиналар, аравалар тайёр холга келтирилди.

Колхоз пахтакорлари бу йил 535 гектар ернинг пахтасини машина теримига мослаб ўстирмоқдалар.

— Бу майдонлардаги ғўзаларни алоҳида парвариш қилдик, — дейди колхознинг бош агрономи ўрток Ж. Эшонқулов, — Шу кунларда ҳам ғўзага ишлов беришни давом эттирмоқдамиз. Айрим майдонларга «шарбат» суви оқизиляпти. Биз йиғим-теримни уюшқоқлик билан бошлаб, етиштирилган ҳосилни сира нобуд қилмай йиғиб-териб олиш учун пухта шайланмоқдамиз.

Т. ҚУШМАМАТОВ.

Босилмаган хабарлар изидан

Тартибга солинди

«Катта паркнинг кичик камчилиги» сарлавҳаси билан редакцияга ёзиб юборилган хат юзасидан текшириш ўтказилди, — деб жавоб қилди шаҳар маданият бошқармаси бошлиғининг ўринбосари ўрток И. Панченко. Жавобда айтилишича, текширишда хатда кўрсатилган фактлар тўла тасдиқланган. Пушкин номли паркда содир бўлган бу камчиликларни бартараф қилиш юзасидан шошилинч амалий тадбирлар кўрилган.

Жумладан, ўқувчилар конференцияси ўтказиб туриш йўлга қўйилган.

Паркда «Афсоналар ҳақиқатга айланди» деган темада катта байрам ўтказиш мўлжалланган. Шу кунларда бу байрамга қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилаётгани айтилган.

Ўқиш хонаси тартибга солиниб, янги инвентарлар билан жиҳозланган. Газета-журналларнинг янги сонлари билан таъминлаб туриш йўлга қўйилган. Шахматшашкаларнинг сони кўпайтирилиб ўйинчиларга бемалол ўйнаш учун имкониятлар яратилган. Биллиард хонаси ремонт қилинган. 1963 йилда янги биллиард зали қуриш планлаштирилган. Китоб киоскалари очилган.

КЎПЧИЛИКНИНГ ҒАЙРАТИ БИЛАН

Маҳаллага келаётган юк машиналарининг кети узилмайди. Уларда келтирилаётган асфальт шагал устига ёткизилмоқда. Тез сурўатлар билан олиб борилаётган ободончилик ишларини кўргач иккита отахоннинг юзида табассум порлади:

— Шу дейман, Ёдгорбой, кўчани тузатишаётгани зап иш бўляпти-да, — деди хурсанд бўлган Ваҳоб ота суҳбатдошига.

— Тўғри айтасиз, лой ва чангдан қутиладиган бўлдик.

Ҳақиқатан ҳам пойтахтнинг Октябрь районидаги «Ленинчи» маҳалласида бўлаётган ўзгаришлар кишини қувонтиради. Айниқса, кейинги 2 йил ичида кўпгина диққатга сазовор ишлар қилинди. Аҳоли кучи билан анҳор устига қизил ғойхона қурилди. Бу шинам жой маҳалла аҳолисининг ороми-ҳонига айланди. Аҳоли иштирокида кўчаларга столбалар ўрнатилиб, электрик Ильич чироғлари порлади, водопровод келтирилди. Маҳалла эркатойларининг ўйин қурилган 20 ўринлик янги боғча ишга тушиш арафасида турибди.

Маҳалла ободончилиги ишларида пенсионерлар Исроил ота Султонов, Фаттоҳхўжа Ортиқов, қўнитувчи Фатҳулла Зикриллаев, ишчи Қодир Султонов ва бошқаларнинг катта хизмати бор. Кўпчиликнинг ташаббуси ва ғайрати билан маҳалланинг кўркига-кўрк, чиройига-чирой кўшилмоқда.

С. ЕҚУБОВ.

ОБОДОНЧИЛИК — УМУМХАЛҚ ИШИ

Республикамизнинг барча меҳнаткашлари қатори пойтахтнинг Октябрь район аҳолиси ҳам Ўзбекистон КП Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг республикада табиатни муҳофаза қилиш ва кўкаламзорлаштириш жамияти тузиш тўғрисидаги қарорини қизғин кутиб олдилар. Шу қарорга мувофиқ районда 1962 йил февраль ойида табиатни муҳофаза қилиш ва кўкаламзорлаштириш жамиятининг ташкилот комитети тузилган эди. Ташкилот комитети корхоналар, муассасалар ва маҳаллаларда жамиятнинг 120 та бошланғич ташкилотларини тузди. Ҳозир уларнинг аъзолари 10 минг кишидан ортиқдир.

Яқинда табиатни муҳофаза қилиш ва кўкаламзорлаштириш жамиятининг район ташкилот комитети ўзининг биринчи конференциясини ўтказди. Бунда район ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Золотих доклад қилди.

Район ташкилот комитети ўз фаолиятида кенг меҳнаткашлар оммасига суянган ҳолда, депутат комиссиялари, корхона ва муассасалар раҳбарларининг ёрдамида ободончилик соҳасида анча ишларни амалга оширди. Шу йил кўкламида район территориясига 35 минг туп мевали дарахт кўчатлари, 60 минг тупга яқин бута, 57 мингдан ортиқ жонли тўсиқ экилди. Район территориясидаги кўпгина ташландиқ жойлар обод қилинди, ирригация шохобчалари тартибга солиниб, корхона ва ташкилотларга биркитиб қўйилди. Тротуар ва транспорт йўлларини ремонт қилиш, район территориясининг саниталия аҳволини яхшилаш соҳасида ҳам яхши ишлар қилинди.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар қўлга киритилган ютуқларни таъкидлаш билан бирга, мавжуд камчиликларни ҳам очиб ташлади. Конференцияда экилган дарахт кўчатлари ва гулзорлар парваришига бепарво қараётган, «яшим дўст»га ҳаёт бағишлайдиган ирригация тармоқларини ўйламай-нетмай кўмиб юборяётган, йўл қурилиши ва озодагарчиликка эътибор бермаётган ташкилот ва корхоналарнинг раҳбарлари қаттиқ танқид қилинди.

Конференция табиатни муҳофаза қилиш ва кўкаламзорлаштириш жамиятининг район советини тузди ва жамиятдан шаҳар конференциясига делегатлар сайлади.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

Салқин тушди

Ўзбекистонда августда узоқ вақт кунлар иссиқ келди. 23—24 август кунлари республика территориясида айниқса иссиқ бўлди. Худди шу кунлари эса СССРнинг Европа территориясига Арктикадан жуда совуқ ҳаво кириб келди. Энг шимол жойларда ҳатто дастлабки қор тушганлиги кузатилди. Эртасига эса бир қатор районларда қиров тушди.

24 августда совуқ ҳаво массаси Ўрта Осиёга етиб келди ва 26 августда Ўзбекистоннинг ҳамма областларига тарқалди. Эндиликда республикамизнинг ҳамма жойида кунлар бироз салқин бўлиб қолди.

Шу кеча-кундуздаги прогнозларга қараганда. Ўзбекистонда бу йилги иссиқ об-ҳаво даври тугаб, илиқ куз ҳавоси бошланаяпти дейиш мумкин. Об-ҳавонинг бундай бўлиши йилнинг шу даврларига хос хусусиятдир.

А. ТАГИРЗЯНОВ,
Тошкент об-ҳаво бюросининг бошлиғи.

БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

АТОҚЛИ СОВЕТ РАССОМИ

Кеча 27 августда рус реалистик санъатининг кўзга кўринган вакили, атоқли совет рассоми Абрам Ефимович Архиповнинг туғилганига 100 йил тўлди.

Архипов 1862 йилнинг 15(27) августида Рязань губернясига қарашли Егорова қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. Дастлабки йилларда у Москвадаги бадиий рассомлик билим юртида В. Перов, В. Паленов, В. Маковский каби таниклн санъат арбобларидан рассомчиликка хос билимларни ўрганади. 1884—1886 йилларда эса бадиий рассомлик Академиясида П. Чистяков кўлида таълим олади.

Тўлиқ ижодий мустақиллик чўқур ҳаётийлик, деҳқонлар турмушининг реалистик тасвир этиш ёш Архипов ижодининг характерли хусусиятларига айлана боради.

1886 йилдан бошлаб у рус рассомлари асарларининг кўчма виставкаларида ўз полотноларн, этюдлари билан қатнаша бошлади.

Шу даврларда унинг «Дуголалар», «Икона тасвирчиси» каби асарлари Москва жамоатчилигининг диккат эътиборини ўзига жалб этиб, бу полотнолар авторнинг кумуш медаль билан тақдирланишида катта роль ўйнади.

1890 йилларда Архипов содда ва чуқур хаётий хамда ўткир драматизм билан суғорилган «Ока дарёси бўйлаб», «Муз эриди», «Қайтиш» каби қатор кодир полотнолар яратдики, бу ишларида рассом камолат минбарига кўтарилаётганлигини намойиш килди.

Автор кандай асар яратмасин, унда деҳқонларнинг аччиқ хаётини, оғир меҳнатини, тенгсизликни ҳакконий акс эттиради ва рус халкининг маънавий бой ички ғўзаллигини, кайфиятини яккол тасвирлайди. Образларнинг эмоционал таъсирчанлигини ошириш рассом жозибали манзаралардан усталик билан фойдаланади. Айниқса, у кўёш нури ва очиқ ҳавони нозик бўёклар орқали тасвирлаб полотно қимматини яна ҳам оширишга бор санъатини сарф қилади.

Архипов ўзининг «Чўян қуйиш заводидаги ёлланма ишчи аёллар» (1896 йил), «Кир ювувчилар» (1899 йил) каби полотноларида революциядан олдинги Россияда социал тенгсизлиқни, аёллар меҳнатининг нақадар оғир ва машаккатлигини реалистик тарзда тасвирлайди. Бу асарларда рассомнинг ўз ватани, халқи тўғрисидаги ширин хаёллари хамда тенгсизлик, жабр-зулмга карши норозилиги тўла акс этади.

Архипов ажойиб пейзажчи рассом хамдир. Унинг кўпгина полотнолари рус табиатини, рус турмушини ҳакконий акс эттириб, кенг жамоатчиликка манзур бўлди.

Бу рассом жамоат ишларида ҳам катта ишлар қилган. У 1892 йилда Москвадаги бадиий рассомлик билим юртида ўқитувчилик қилганда унинг кўлида хозирги таниклн совет рассомлари А. Герасимов, Б. Иогансон, Е. Кацман, П. Кориндар таълим олишган. Архипов Рус рассомлар союзининг ташкилотчиларидан бири эди.

Тасвирий санъат соҳасида қилган салмоклн ишлари учун Архипов 1927 йилда РСФСР халқ рассоми унвонини олишга муяссар бўлди.

Буюк рассом 1930 йилда вафот этди. Архиповни фақат бизнинг мамлакатимиз халқлари эмас, балки чет элларда ҳам танишади. Унинг нодир асарлари хозир Москвадаги Третьяков галлереясида, Ленинграддаги рус санъати музейида сакланади. Шунингдек Берлин, Нью-Йорк Венециядаги катта музейларда ҳам унинг ажойиб полотнолари бор.

Т. ОДИЛБЕКОВ.

КУБА ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ БАЙРАМИ

ГАВАНА, (ТАСС). Куба халқи мамлакатдаги энг оммавий ташкилотлардан бири ҳисобланган Куба хотин-қизлари федерациясининг иккинчи йиллигини тантанали нишонлади. Бу ташкилот ҳозирги вақтда саноатнинг турли тармоқларида, халқ имкониятларида, қишлоқ хўжалик кооперативларида, мактаб ва муассасаларда ишлаётган уч юз эллик минг хотин-қизни, шунингдек рўзғор ишидаги хотин-қизларни бирлаштирмоқда. Ҳозирги вақтда шаҳар ва қишлоқларда, уй-жой маҳаллаларида, саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналарида, муассасаларда ва қурилишларда федерациянинг комитетлари ёки вакиллари бор.

Бутун революцион халқ каби кубалик хотин-қизларнинг ҳам асосий шиори меҳнат, ватанни ҳимоя қилиш, ўқишдир. Федерациянинг ташаббуси билан Гавана вилоятида икки юздан ортиқ кўнгилли меҳнат батальони ташкил этилган. Бу батальонлар сафида тўққиз мингга яқин хотин-қиз бор.

Федерация хотин-қизларнинг ўқишига ва ёш авлодни тарбиялашга катта эътибор бермоқда. Федерациянинг бевосита иштироки билан мамлакатда катта ёшдагилар учун ўнлаб кечки мактаблар очилди, бу мактабларда ўн тўққиз мингдан ортиқ хотин-қиз ўқимоқда.

Чет элларда нималар

ИҒВОГАРЛИККА ЧЕК ҚЎЙИЛСИН!

ПОЛЬША

Польшанинг барча марказий газеталари Берлиндаги Америка секторида совет қўшинлари патрулларига ва СССРнинг Германия Демократик Республикасидаги элчихонаси дипломатик ходимларига нисбатан қилинаётган иғвогарликлар муносабати билан СССР ҳукуматининг АҚШ ҳукуматига норозилик нотасини 25 август сонларида босиб чиқардилар.

Газеталар Совет ҳукуматининг нотасини босиб чиқариш билан сарлавҳаларида қуйидагиларни ёзадилар: «СССР Берлиндаги иғвогарликларга қарши АҚШни қатъий огоҳлантирмоқда», «Ғарбий Берлинда Қўшма Штатлар оккупациячи маъмурларининг йўл қўйиб бериши реваншчи унсурларнинг иғвогарлик ишларини енгиллаштиради», «Берлиндаги Америка секторида хатарли иғвогарликлар», «Ғарбий Берлиндаги иғвогарларга хатарли суратда йўл қўйиб берилмоқда».

Газеталар Совет ҳукуматининг АҚШ ҳукуматига юборган нотасини босиб чиқариш билан қуйидагиларни таъкидлайдилар: Совет Иттифоқи Германия проблемасини ва Ғарбий Берлин тўғрисидаги масалани ҳал этишга даъват қилмоқда. Бу масалаларнинг ҳал этилиши барча халқларнинг ҳаётий манфаатларига муносиб бўлур эди.

ГДР

Берлин демократик газеталари СССР Ташқи ишлар министрлигининг АҚШ ҳукуматига юборган нотасининг тўла текстини 25 августда биринчи саҳифаларида «СССР иғвогарликларга қарши кескин норозилик билдирди», «Айбдорлар қаттиқ жазолансин!», «АҚШ иғвогарликлар учун жавобгардир» деган сарлавҳалар остида босиб чиқардилар. СССР Ташқи ишлар министрлигининг нотасида Ғарбий Берлиннинг Америка секторида совет қўшинлари қоровуллларининг шахсий составига нисбатан, шунингдек Германия Демократик Республикасидаги совет элчихонасининг дипломатик ходимларига нисбатан қилинган бир қанча хатарли иғвогарликлар муносабати билан катъий норозилик билдирилади.

«Нейес Дейчланд» газетаси, жумладан, нотанинг бундай иғвогарликлар такрорланган тақдирда совет вакилларн ва ҳарбий хизматчиларининг хавфсизлигини таъминлайдиган зарур чоралар кўрилади, деган қисмини алоҳида таъкидлаб кўрсатади. Газета Вашингтон совет солдатларига ва дипломатларига қарши қилинган иғвогарликлар учун тамомила жавобгардир, деб уқтириб ўтади.

БОЛГАРИЯ

Совет ҳукуматининг нотаси Болгария жамоатчилигининг диққат марказида турибди.

Болгария Фанлар академияси ҳуқуқ институтининг илмий секретари, старший илмий ходими З. Бузов ТАСС мухбирига қуйидагиларни айтди: «Ғарбий Берлиндаги Америка оккупациячи маъмурлари Ғарбий Берлиндаги фашист унсурларнинг ошкора суратда қилаётган қабих агрессив иғвогарлик ҳаракатларига кўпданок чек қўйишлари мумкин эди. Аммо фактлар шуни кўрсатадики, Америка маъмурлари Ғарбий Берлинда совет қўшинлари қоровули шахсий составига карши ва СССРнинг Берлиндаги элчихонасининг бир группа дипломатик ходимларига қарши қилинган хатарли иғвогарликларга очиқдан-очиқ йўл қўйиб бердилар ва бундай иғвогарликларни рағбатлантирдилар. Бунга сабаб шуки, Америка маъмурлари ана шундай иғвогарликлар «совуқ уруш»ни авж олдириш ва Ғарбий Берлинда «Фронт шаҳри» нонормал ҳолатини сунъий равишда сақлаб қолиш учун йўл очиб берадиган яна бир имконият деб ҳисобламоқдалар.

ДЕҲҚОНЛАР НАМОЙИШИ

БРЮССЕЛЬ. (ТАСС). Бельгия Льеж районининг деҳқонларидан 10 мингга яқин киши кеча ўзларининг иқтисодий талабларини қўллаб-қувватлаш юзасидан Батис шаҳрида намойиш уюштирди. Шаҳар кўчалари қўшни қишлоқлардан келган 2 мингдан кўпроқ трактор, юк ва енгил автомашиналар билан тўлди.

Намойишчилар «Баравар меҳнат учун, баравар ҳақ тўлансин», «Биз тенгликни истаймиз» деган шиорлар ёзилган транспарантларни кўтариб, шаҳар кўчаларидан ўтдилар.

Намойиш охирида турмуш шароитини яхшилаш учун курашаётган Бельгия деҳқонлари ва қишлоқ хўжалик ишчиларининг ҳаққоний иқтисодий талабларини қўллаб-қувватлаш юзасидан митинг ўтказилди.

Деҳқонлар билан «тартиб сақлаш кучлари» ўртасида тўқнишлар бўлди. Жандармлар таёқларни ва кўзни ёшлатадиган гранаталарни ишга солдилар. Натижада бир неча киши яралар бўлди, намойиш қатнашчиларидан 6 киши қамоққа олинди.

ХУДДИ ШАҲАРЧА ДЕЙСИЗ

Пойтахтнинг Оқтепа массивида яна бир катта ҳашаматли бино қад кўтарди. Ўзини кўзкўз қилиб турган бу корпус киши эътиборини беихтиёр жалб этади. Уни архитектурамизнинг чинакам ижодий ансамбли деса бўлади. Бу ерда сил касалига қарши кураш олиб борадиган республика илмий-текшириш институти жойлашган. Ҳа, шу медицина даргоҳида ҳам беморлар даволанади, ҳам илмий-тадқиқот ишлари олиб борилади.

Институт фойелари, хона ҳамда кабинетлари бир-биридан ёруғ, бир-биридан шинам. Уч қавватли бу бинога лифт ҳам ўрнатилган.

Илмий муассаса салкам 10 гектар ерни ишғол этади. Ахир, унинг бир эмас, икки эмас, бир йўла 9 та корпуси бор-да! Уларни айланиб юриб гўё буғерни шаҳарча дейсиз.

Куни кеча институт «шаҳарча»сига пойтахт жамоатчилиги тўпланди. Янги бинога кўчган илмий муассасанинг очилиши маросими бўлди.

— Институтимиз катта туҳфа олди, — деди илмий муассасанинг директори профессор Ш. Алимов. — Мана энди фаолиятимиз тағин ҳам кенг қулоч ёзади. Чунки, бу янги корпусда ҳамма қулайликлар бор. Кабинет,* хоналар етарли. Тадқиқотлар олиб бориладиган лабораториянинг ўзидан 7 та бор. Биохимия, физиология, микробиология лабораториялари мураккаб асбоб-ускуналар билан етарли миқдорда таъминланди.

Янги бўлимлар ҳам ташкил этилганлигини айтиб қўяй. Ҳозир 7 та бўлимимиз бор. Уларга таниқли олимлар раҳбарлик қилади. Мисол учун рентгенология бўлимини олиб кўринг. У, аввал ҳозиргидай жиҳозланмаган эди. Мен сизга айтсам, ўпкани суратга қат-қат оладиган рентген аппаратимиз бор. Беморларни нишонли атом билан даволашни кенг йўлга қўйиш мақсадида алоҳида бўлим ажратилди. Хирургия бўлимига ҳам кўпгина янги аппаратлар келтирилди.

Ҳақиқатан ҳам янги корпусда ҳар қанча тадқиқотни бемалол олиб борса бўлади. Институтда илмий кадрлар ҳам етарли. Икки фан доктори, 15 фан кандидати ва 30 дан ортиқ медицина ходими беморлар хизматида.

Ўзингизга маълумки, мазкур муассаса ишлай бошлаганига 30 йил бўлди. Эҳ-ҳе, бу орада қанчадан-қанча бемор шифо топмади, қанча-қанча илмий-тадқиқотлар амалга оширилмади дейсиз. Институт олимларининг самарали ижодий изланишлари туфайли туберкулёз касаллигини даволашнинг илғор методлари яратилди. Бу тадқиқотлар фақат республикамизда эмас, балки бир қатор қардош республикаларда ҳам муваффақият билан фойдаланаётир.

Тадқиқотларнинг энг муҳимлари алоҳида тўплам ҳолида нашр қилинди. 5 томлик илмий мақолалар тўплами босилиб чиқди. 2 та монография китобхонларга тақдим этилди.

— Ҳозир Наманганда институтнинг даволаш-меҳнат санаторийси ишлаб турибди, — деди ўртоқ Ш. Алимов институт режалари ҳақида гапириб. — Бундай санаторийни иттифоқимизда ягона десак янглишмаймиз. Тўпланган бой тажрибаларнинг ҳаммаси шу шифохонада ишга солинмоқда.

Шу йилнинг сентябрь ойида Тошкентда туберкулёз касалига қарши кураш олиб бораётган олимларнинг съезди бўлади. Бу катта йиғинда медицинанинг сил касаллигини даволаш соҳаси бўйича тажрибалар алмашинади. Иттифоқчи республикалар олимлари қатори институтимиз илмий ходимлари ҳам муҳим проблемалар юзасидан докладлар қиладилар.

Институтнинг келажаги порлоқ. Ҳозир 250 та койка бор. Кейинчалик бу ўринлар сони тағин ҳам ортади. Ёз мавсумида қўшимча палаткалар қуриб ўринлар сони 500 тага етказилади.

А. АЛИЕВ.





Юқоридаги суратда хирургия бўлими ходимларининг иш устидаги пайти, пастдаги суратларда эса институт биносини ва кутубхонасини кўриб турибсиз.
В. Салов фотолари

Телеграф хабар қилади

⊙ «Березка» ансамблининг Коста-Рика пойтахти Сан-Хоседа биринчи концерти зўр муваффақият билан ўтди. Тамошабинлар совет артистларини ўринларидан туриб қарсаклар билан табрикладилар ва деярли ҳамма номерларни такрор ижро этишни сўрадилар.

⊙ Тунисда ЮНЕСКО аъзоси бўлган араб мамлакатларида ўрта таълим масалалари юзасидан экспертлар конференцияси очилди.

⊙ Жаҳоннинг 42 мамлакати шахматчилари XV шахмат олимпиадасида қатнашишни истаганликларини расмий суратда билдирдилар. Олимпиада шу йил 15 сентябрдан 10 октябргача Болгарияда ўтказилади.

⊙ Сан-Себастьянда (Испания) Франконинг ёзги резиденцияси яқинида ўтган ҳафта бомба портлаганидан кейин 20 киши қамоққа олинган. Қамоққа олинганлардан саккиз киши сўроқдан кейин озод қилинган. 12 киши яна тергов қилиш учун қолдирилган. Қамоққа олинганлар орасида адвокат Хосе Рамон Рекальде ва унинг рафиқаси бор. Уларнинг ижаласи ҳам христиан-демократик партиянинг аъзосидир.

⊙ 1961 йилда Германия Федератив Республикасида икки миллиондан ортиқ жиноят қилинган. Жиноятчиларнинг энг кўп сонли группасини ёшлар ташкил этади. 1961 йилда 50 мингга яқин бола ҳам жиноят қилганлиги учун жавобгарликка тортилган. (ТАСС).

Редактор ўринбосари
И. СУЛАЙМОНОВ.

ТЕЛЕВИЗОР

28 АВГУСТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.30 — Самарқанд шаҳар мактаб ўқувчиларининг чиқиши. 19.05 — Телевизион янгиликлар. 19.20 — Осмоним (телевизион очерк). 19.35 — Она қасами номли грек бадиий фильми.

Ўзбек тилида: 21.05 — Концерт (ўзбек ва қозоқ артистларини ижросида классик куйлардан). 21.40 — Телевизион янгиликлар. 21.55 — Сатира ва юмор.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 21.05 — Концерт (Румния Халқ Республикаси артистлари ижросида). 21.35 — Турли тақдир номли бадиий фильм.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 28/VIII да Анда, 29/VIII Жизель.

МУКИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (кишки бино) — ёзги мавсумнинг ёпилиши олдидан 29, 30, 31/VIII да янги спектакль Икки билагузук.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 1, 2/IX кеч соат 8 да ўзбек ашула ва рақс ансамблининг концертлари. Билетлар сотилмоқда.

КИНО

КИШКИ БИНОДА

Суд — «ВАТАН», «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун). НАВОИЙ номли (кундуз), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

«Орзу» квартали — «МИР», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Болагинам — СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун), НАВОИЙ номли (кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Сомбреро — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (арталаб соат 10 да).

ЁЗГИ БИНОДА

Болагинам — (кеч соат 9 да), Қораловчи гувох (кеч 10-40 минутда) — «ВАТАН».

Яцек ва унинг президенти — ТЕЛЬМАН номли.

Суд — НАВОИЙ, КАФАНОВ номли, «ПОБЕДА».

«Орзу» квартали — «ФЕСТИВАЛЬ».

Комедияли фильмлар тўплами — ПУШКИН номли.

Оқимдаги тўрт киши — «УДАРНИК».

Янги Деҳли (1 ва 2-серия) — «ШАРК».

Тошкент тўқимачилик комбинати

йигирувчи, тўқувчи, ровничица, съёмчи, моталчи, зарядчи касбларига ўргатиш учун 18 ёшдан ортиб

ҚИЗЛАР,

ва мастер ёрдамчилари касбига ўргатиш учун

ЙИГИТЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тўқимачилик комбинатига электромонтёрлар, электрослесарлар, ёрдамчи ишчилар ҳам КЕРАК

Физкультура кўчаси, 8-уй, 4-хонада ишчи кабул қилиш бўлимига учрашилсин.

Ўзбекистон трактор йиғув заводига

малакали инструментчи токарлар, ремонтчи токарлар, тиш кесувчи зуборезчиклар, тиш рандалаш ва тиш-фрезер станокларини созловчи наладчиклар

КЕРАК

Ёток билан таъмин қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Уста Ширин кўчаси, 117-уй (10, 11-автобус, 6-троллейбуснинг «МПС» остановкаси).

ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИГА студентлар учун

ХОНАЛАР КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Киров кўчаси, 22-уй, 58-хона.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, редактор ўринбосари — 25885. Партия турмуши бўлими — 26232. Пропаганда ва совет қурилиши бўлими — 28761. Қишлоқ хўжалик ва маҳаллий ахборот бўлими — 29040. Адабиёт ва санъат, маданият саноат ва транспорт бўлимлари — 33786. Секретариат — 34808. Хатлар бўлими — 34048. Илғор тажрибаларни пропаганда қилиш штатсиз бўлими — 31936. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 26334, 33262, 30249, 30250, 30253.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси

Р. 01107. Нашр. Г. 1667.